ТАДБИРКОРГА “КРЫША” КЕРАКМИ?

... тадбиркорлик қилмоқчимисиз – марҳамат, кафолат дейсизми – ана, қонунларни ўқинг, қарорларни ўрганинг, сизга ёқмайдиган жиҳати бормикан?! Хўш, яна нима керак? Пул?! Э, ғам еманг, астойдил кўз ёш қилсангиз, банк орқали бу муаммонинг ҳам ечимини топасиз.

Яна-чи?

Энди ўзингизга “крыша” топсангиз кифоя, яъники том – “орқа”, “суянчиқ”, “танка” ва ҳоказо... “Крыша”нгиз яхши бўлса, сансалорликсиз кредит оласиз; “суянчиқ” қувватлироқ бўлса, корхонангизга текширувчи ўйлаброқ қадам босади; “танка”нгиз амалдор бўлса, Худо ярлақабди, сиз яйраб-яйраб ишлашингиз мумкин...

2-бет

ФАМИЛИЯНГИЗ ТЎҒРИ ЁЗИЛГАНМИ?

Фамилия кишини жамият олдида маълум жавобгарликни ҳис қилишга ундайди. Агар исм фақат ўзингизгагина тегишли бўлса, фамилия ҳақида бундай деб бўлмайди. У бутун оилага тааллуқли. Агар у ўша оиланинг бутун ўтмишига алоқадор бўлганда эди, масъулият ҳақиқатан ҳам юқори бўларди. Бироқ бизда бунақа эмас. Фамилия ҳар авлодда ўзгариб турар экан, унинг шаъни тўғрисида қайғурмаса ҳам бўлаверади — бизда англаб етмасак-да, шундай кайфият бор.

3-бет

КЕЛДИ ҚУТЛУҒ РАМАЗОН!..

Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ушбу ҳадиси шариф ривоят қилинади, у зот Ҳазрати Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) бундай деганларини эшитганлар: “Агар бандалар Рамазон ойида қансалик ажр-савоб, неъмат ва мукофотлар борлигини билганларида эди, бутун йил бўйи Рамазон бўлишини орзу қилган бўлардилар”.

4-бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№42-43 (348-349) 2003-yil 22-oktabr

«HURRIYAT» сизники,

Сиз HURRIYATники бўлинг!

Газетамизга 2004 йил учун обуна давом этмоқда.

✓ Сана

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши билан мушкул вазифа ҳал этилди. Аммо шу билан бирга, оғир ва машаққатли бир иш майдони очилди ҳам: Тилимизни чинакам давлат тилига айлантириш барча ташкилотларда ўзбекча иш юритишни йўлга қўйиш билан бирга, тилни тўғри қўллашни ҳам тақозо қилади, албатта. Қуйидаги мақола ана шу ҳақда.

БИР СТАНЦИЯНИНГ ТЎҒРИ ТАРЖИМАСИ

Тил ўз-ўзидан тараққий этмайди. Тилнинг ривожи нутқ жараёнида гапга чечан одамлар тилидаги неологизмларнинг оммалашуви, таржима амалиёти, четдан янги тушунча ва ифодаларни қабул қилиш, қолаверса, миллат фидойиларининг таклиф-ташаббуси билан бўлади. Жумладан, ўзга тиллардан сўз ё ифода шакллари қабул қилиниши, таржима этилиши мумкин.

Бир пайтлар давр тақозоси бўлиб, ўзаги уёқдану қўшимчаси буёқдан бўлган “интернационал”+“лик” каби сўзлар луғатимизда тиқилиб кетган эди. Тўқсонинчи йиллар бошида — ўзбек тили давлат тили мақомини олган чоғда ҳавасмандлардан тортиб отахон ёзувчиларга қадар барча — тилимиздаги русча ё рус тили орқали кириб келган ҳар бир атамани топса ўзбекча, топмаса арабчаю форсча сўзлар билан алмаштириб, “ўзбекча”лаштиришга тушди, ҳамма сўз ва атама ясаш, тилни тозалаш тарафдори эди.

Илгари “вазир” деганда эртаклардаги подшонинг ўнг ё чапида ўтирадиган саллали одамни тушунган бўлсак, энди у “министр” ўрнини босди. Ғалати-ғалати янгича сўзлар ўйлаб топилди. Булардан айниқса “овознигор” (радио) ва “ойнасўз” (киоск) деганлари ажабтовур эди.

Майли-да, ишқилиб, шу тарзда ҳам ўзбек тили анчамунча бойиб қолди. Бугун “муҳандис”, “кутубхона”, “кимё” десангиз ҳеч ким ҳайрон бўлмайди. Ахир, йигирма йилча бурун булар ўзбек тилининг ўлимга ҳукм қилинган, луғатларда “арх.” ёки “эск.” белгиси қўйилиб, чормихга тортилган сўзлари эдику.

Аммо ҳозир тилнинг қувватини кеткизадиган, сўздай мўътабар нарсани ичи бўш шақилдоққа айлантирадиган янги иллат пайдо бўлди. Бу — бир сўзга икки-уч маънони юклаш ё аксинча: иккиуч тушунчани битта сўзда ифодалашда кўринади.

“Станция” ана шундай сўзлардан бири. Ростдан ҳам, нима деб берса бўлади уни? Биров “шохобча” дейишни таклиф қилди, бошқаси “тармоқ” деди, “автостанция”ни кўзда тутганлар эса “бекат”ни ёқлади.

Асли лотинчада “станция” тўхташ, тўхтаб туриш дегани. Истилоҳ сифатида бизга русчадан ўтган бу калиманинг қўлланиш доираси кенг - автостанция, телефон станцияси, радиостанция, темир йўл станцияси, санэпидстанция, ўсимликларни муҳофаза қилиш станцияси, метеорология станцияси, товар станцияси, тоғ-иқлим станцияси, қон қуйиш станцияси, таъминот станцияси, ёш техниклар (ёш табиатшунослар) станцияси, метро станцияси, насос станцияси, ёнилғи қуйиш станцияси, машина станцияси, таъмирлаш станцияси ва ҳоказо.

Ҳар ким ўз фикрини ўтказишга интилди. Ишбоши қилиб тайинланган Атамақўмда эса қатъий бир фикрни кесиб айтгулик савия ҳам, мавқе ҳам йўқ эди (худди шунинг учун ҳам аввалги “министр”лар дастлаб “нозир”, кейин “вазир” бўлишди. “Район” эса ”ноҳия”, кейинроқ “туман” деб, “газета” - “рўзнома”, “куннома” ва яна “газета” деб, “журнал” эса “ойбитик”, “ойнома”, "мажалли”, сўнг тағин “журнал” деб аталди ва ҳоказо). Бунинг устига, сон-саноқсиз муассасаю ташкилотлар ўзининг асосий номланишидан тортиб, идоранинг ҳар бир қаватидаги ҳар қайси мутахассис ўтирадиган хона эшигига қоқиладиган пешлавҳага қадар, Атадиган бўлса, шу вазирликнинг марказий идораси олдидаги мармар тахтага зарҳал билан ёзиладиган одам бўйи пешлавҳадан тортиб, барча вилоятлар ва юзлаб туманлардаги, бошқа тобе ташкилотлардаги жами муҳрлар, бланкалар, пешлавҳалар ва бошқа ҳужжатлар янгиланади.

амалий ишларни бажарувчи, ҳисоб-китобларни олиб борувчи муассаса экан. Мен уни “Амалиёт бошқармаси” деб ўгириб тақдим этдим. Бошқа атамалар қатори бу янгича номланиш ҳам қабул қилинди ва қўлланаяпти. Аммо бу дегани қаерда “операция”

Аммо бунинг учун аввал шунча идораю ташкилотнинг Устав (низом)лари ўзгартирилиши ҳам шарт — қайта кўриб чиқиб, тасдиқланади. Давлатнинг, яъни халқнинг бошқа эҳтиёжга яратиш мумкин бўлган миллион-миллион сўм ақчаси ана шу тарзда биргина хатони бартараф этишга сарф бўлади. Атамачилик борасидан аввалдан тўғри йўл тутилса, бояги маблағни бирон мактаб қурилишига, ё бўлмаса нафақа пулини сал оширишга ёинки автобус йўлкирасини, бирон сўм бўлса-да, камайтиришга асқотиб қоларди. Бу – битта сўз устидаги ғалва...

Ажабтовур таржима қилиб берилаётган сўзлардан яна бири “операция”. **У ҳозир** “амалиёт” **деб юритилаяпти. Мен “операция” қандай қилиб “амалиёт” бўлиб қолганини яхши эслайман. Ўшанда Марказий банк ўз соҳасига оид атамаларни давлат тилига ўтказишга ёрдам беришни сўраб Тил ва адабиёт институтининг таржимонлар гуруҳига мурожаат қилди. Ўзбекчалаштирилиши сўралган тушунчалардан бири Марказий банкнинг “Операционное управление”си экан. Агар буни жўнгина қилиб “Операция бошқармаси” десак, аёнки, бундай “таржима”нинг бировга кераги бўлмайди. Банк иши билан танишиб чиқишга тўғри келди. Маълум бўлишича, бояги бошқарма банкнинг юраги – жами сўзи учраса, дарров уни “амалиёт” билан алмаштириш кераклигини билдирмайди (чунки, агар “амалиёт”ни қайтариб рус тилига таржима қилсангиз, аксар ҳолда “практика” бўлади).**

Нима дейсизки, орадан бирон йил ўтиб-ўтмай, газеталарда “Борис Ельциннинг юрагига амалиёт **ўтказилди” деган хабарлар босилиб турибди-да! Шоввозлар “операция” энди “амалиёт” бўпти, деб тушунишганга ўхшайди. Кейинроқ бу сал юмшатилиб, “жарроҳлик амалиёти” дейила бошлади. Аммо-лекин, одамлар қабул қилмаса, яъни нутқида ишлатмаса бекор экан. Ҳозиргача бирон киши тиббий операцияни ”амалиёт” деганини эшитганим йўқ. Демак, қабул бўлмапти — “операция”нинг ўзи тузук экан.**

Бир тилдаги бир истилоҳ (атама) иккинчи тилга худди ўша сўзнинг ўзи билан берилиши ҳам, ё бўлмаса таржима қилиниши ҳам мумкин, гап бунда эмас. Гап шундаки, истилоҳ бошқа – сўз бошқа. Тил соҳаси шунақа инжиқ иш. Ҳамиша ўта синчковлик ва заргарнинг тарозисидай аниқлик билан, ҳар бир “майда-чуйда”ни ҳисобга олиб иш кўриш керак бўлади.

Тил ижтимоий ҳодиса, аммо сиёсий нарса эмас. Бинобарин, унга сиёсатни аралаштириш, тил жараёнини сиёсий иродага бўйсундириш маҳол. Тилга фармон бериб бўлмайди. Демак, қайси тилдан кирган бўлишидан қатъи назар, она тилига қабул қилинган ва қўлланаётган сўзларни “ҳайдаб” чиқариш ҳам имкондан хориж нарса. “Ҳайдалган” ана шундай сўзлардан бири “станция”, яна бири "операция" бўлса, улар ҳам вақт ўтиб, худди бир пайтлар янгилаб кўрилган, аммо ижобат бўлмагани учун яна эскиси маъқул топилган “газета”, “журнал”, “радио”, “телевизор” каби сўзлар сингари, ўзбек тили лексиконига қайтаяпти.

Хўш, нима қилиш керак? Тилимиздаги қай бир атама янгиланиши керагу, қайсиниси аввалгидай қолгани дуруст – мана шу масала кўпчиликка жумбоқ бўлиб турибди. Албатта, энг тўғри қараш қандайлигини вақт кўрсатади, аммо қўл қовуштириб кутиб ўтириш ҳам мумкин эмас, атамалар танлашнинг илмий принципларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган бўлса, татбиқ этиш керак. Албатта, сўз ва атамаларни қўллашда олимларимиз тўғри айтганидай, бир йўналишли принцип бўлиши мумкин эмас – тил беҳад мураккаб соҳа. Аммо бу, айни соҳада ҳеч қандай қонун-қоидалар бўлмайди, ҳар бир янги ҳолда айрича иш тутилади, дегани эмас, тилнинг умумий ривожланиш тамойилларидан келиб чиқиб, энг тўғри ва оқилона қарорга келиш мумкин.

Менимча, бунда бош йўналиш – ўзга тиллардан кириб келган ва атамаларимиз қаторидан ўрин олган ҳар битта сўзни шу ҳолича қолдириш ё алмаштириш масаласи кўриб чиқилар экан, бу сўз асли байналмилалми ё фақат бир тилдагина мавжуд бўлиб, ўзбекчага ана шу тилдан қабул қилинганми, дастлаб шуни аниқлаш керак. Башарти сўз халқаро бўлса (масалан, принцип **сўзи), уни она тилимизда ҳам қолдириш, фақат бир миллат тилидан олинган (русча:** водо+род, само+лёт**) бўлса, уни халқаро эквиваленти (**ҳидроген, аэроплан**) билан алмаштирган маъқул.**

(Давоми 4-бетда).

✓ Обуна — 2004



ЖИДДИЙ ВА СЕВИМЛИ

Кўз тегмасин, бугунги матбуот кечагидан а-анча ўзгарган: фуқароларнинг турмуш тарзи, муҳофазаси, айниқса, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги янгилик кенг жамоатчиликка имкон қадар тез ва холис етказилмоқда. Бироқ беш қўл баробар бўлмаганидек, барча нашрларга ҳам бирдек баҳо бериб бўлмайди. Оддий мисол, дейлик, бугун матбуот бозорида қандай нашрларнинг ошиғи олчи, деб сўраладиган бўлса, кўнгилочар мавзуларни байроқ қилиб олган ҳафталик газеталар қўлмақўл бўлиб кетмоқда. Тўғри, ҳар бир одамнинг ўз диди бор, ҳеч кимга мажбурлаб бўлмайди. Нафсиламбрини айтганда эса ҳаёт фақат жанжалу ажралишлар, хиёнату бедодликлардан иборат эмас-ку. Шундай бўлгач, замондошларимнинг жиддий, кишини ўйлантирадиган ва, демак, қийин ўқиладиган мақолаларга “тиши ўтмас”-лигини тушуна олмайман.

“Hurriyat” ижтимоий ҳаётдаги ўзак масалалар хусусида баҳс этадиган газета. Уни ҳафсала билан қайта-қайта ўқиш керак. Мен у билан “дўст”лашиб, феълини шундай тушунганман. Севимли нашрим келгуси йилда ҳам муштарийлар ҳурматига муносиб ўқишли бўлиб чиқишига ишончим комил. Шунинг учун унга обуна бўлишни тенгдошларимга тавсия этаман.

Шоҳида МЎМИНОВА,
ЎзМУ Журналистика факультети талабаси

✓ Баҳс



ОАВ ВА СУД МУНОСАБАТИ

У қандай бўлиши керак?

Кейинги пайтларда Олий судда, Олий хўжалик судида, Миллий матбуот марказида, қолаверса, Олий Мажлисда ҳам оммавий ахборот воситалари билан судларнинг ҳамкорлигига бағишланган давра суҳбатларининг сони кўпаймоқда. Булардан биз қисқагина телелавҳалар ва газеталардаги расмий ахборотлар орқали хабар топаяпмиз, холос. Газета ва журналларда эса бу мавзу моҳиятини ёритишга бағишланган таҳлилий мақолалар умуман йўқ.

Қисқа лавҳалардан тушунишимизча, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар идоралари вакиллари (раҳбарияти вакиллари) ўша давра суҳбатларига журналистларни таклиф этишиб, уларга ҳуқуқий мавзудаги мақола ёзишларидан олдин суриштирув, тергов органи, прокуратура ва суд ходимларига учрашишлари, ўзларининг мавзуларига керакли ахборотларни фақат улардан олишлари ҳамда журналистлар шу ҳуқуқ соҳаси ходимлари билан ҳамкорликда мақолалар ёзишлари кераклиги ҳақида ташвиқот юритмоқдалар.

Расмий идоралар фикрича, ҳозирги пайтда журналистлар (ҳатто, баъзи бир ҳуқуқшунослар ҳам) ўзларининг мақолаларида суд-ҳуқуқ соҳаси ходимлари шахсиятига тегадиган, судларни обрўсизлантириб, уларнинг мустақиллигига дахл қиладиган мақолалар ҳам ёзаётган эмишлар.

Биз ҳуқуқшунос-адвокатлар ушбу муаммога мутлақо бошқача кўз билан (адвокат бўлганимиз учун бўлса керак) қараймиз ва ўз қарашларимизни “Hurriyat” саҳифасида беришга қарор қилдик, негаки, айнан “Hurriyat”нинг шу масаладаги тутган йўли (позицияси) бизникига яқин.

Ўзбекистон деб аталмиш макон шу мамлакатда яшовчи халқники, оммавий ахборот воситалари эса шу халқнинг минбари.

Давлат ҳокимиятининг уч тармоғи (қонун чиқарувчи ҳам, ижро ва суд тармоғи) ҳам, қолаверса, норасмий тўртинчи тармоғи ҳам ваколатни айнан шу халқдан олган. Шу сабабли журналист фаолиятини панднасиҳат билан бўлса-да чеклаш айнан шу журналистга ваколат берган халқнинг ҳуқуқини чеклашдир. Ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи мустақил фаолият юритиш, бири иккинчисини ҳаддан ташқари кучайиб кетишдан чеклаб, мувозанатни сақлаб туриши лозим.

Айтайлик, ҳамма масалаларда бўлгани каби жиноятчиликдай иллатга қарши кураш масаласида ҳам оммавий ахборот воситалари халқнинг минбарида бўлиши лозим. Бу масалада оммавий ахборот воситалари суриштирув, тергов органлари ҳамда прокуратура билан (суд билан эмас) ҳамкорлик қилишлари, одамларда жиноятчиликка (жиноятчига эмас) қарши нафрат уйғотишлари, уларга жиноят қилишдан тийилишни, жиноятга жазо муқаррарлигини ташвиқот қилишлари лозим.

Одамларни, айниқса, ёшларни диний экстремизм оқимларига қўшилишдай, ватанга ва халққа хиёнат қилишдай, қолаверса, наркотик тарқатиш ва одамлар ҳаётига тажовуз қилишдай ўта оғир жиноятларни содир этишдан тийилиш зарурлигини, бундай ишларга қўл урганлар эса қонунларимизнинг қаттиқ қаҳрига дучор бўлиши муқаррарлигини мунтазам тушунтириб туришлари шарт, негаки ундай хоҳиширода — халқники.

Оммавий ахборот воситаларида жиноятчиликка қарши курашувчи идоранинг илғор ходимлари, яъни ўзимизнинг “Шерлок Холмс”лар ҳақида қизиқарли очерклар босилиб турса, шаксиз бу очерклар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этади. Жиноятчиликка қарши кураш ниқобида ўз ваколатини суистеъмол қилувчи, ўзлари қонунбузар, таъмагир ва порахўр, айни вақтда жиноятчи унсурларга қўшилиб жиноят содир этадиган айрим суриштирувчи, терговчи, прокурорларни ҳам рўйрост фош этувчи танқидий мақолалар ёзиш ҳам журналистларнинг ҳуқуқи, бурчи, вазифасидир. Халқ айнан шундай мақолаларни ўқиб ўзи ваколат берган суриштирув, тергов органи ҳамда прокуратура иш фаолиятининг салбий қирралари ҳақидаги ахборотга ҳам эга бўладилар. Айнан шундай мақолалар орқали халқ ваколатли органлар фаолиятини кераклича назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Давлат ҳокимиятининг ҳар қандай тармоғи ҳокимиятнинг бошқа тармоғи, қолаверса, тўртиничи ҳокимиятнинг ўткир нигоҳи остидагина чегарадан чиқмай нормал фаолият кўрсатиши мумкинлиги кўплаб жамиятшунос олимлар томонидан узил-кесил исботланган.

Энди асосий мақсадга ўтайлик. Судларга қонун орқали берилган ваколат шунчалик катта ва муҳимки, бу ваколат бошқа ҳамма давлат ваколатларини қўшиб ҳисоблагандаги ваколатдан ҳам жуда катта.

Судлар ваколатини Яратганнинг хоҳиш-иродасигагина таққослаш мумкин. Суд шахсни жиноятчи деб топади, уни жазога, ҳатто ўлимга ҳам маҳкум эта олади...

Судларнинг қонун орқали берилган бундай ваколатини тўғри қўллашларини назорат қилувчи механизм борми ўзи? Бор бўлса, ўша механизмнинг ўзи нима? Уруш-жанжалларда, табиий офатларда бир вақтда минглаб одамлар қурбон бўладилар, бироз вақт ўтгач, одамзот бу даҳшатли воқеани унутади, Яратганнинг хоҳиши деб ўзига таскин беради.

Бироқ биргина шахснинг қонунга хилоф равишда айблангани ва судланган ҳақида узоқ йиллар айюҳаннос солинади. Нега шундай?

Гап шундаки, бировни жиноят қилишда айбдор деб, унга ҳукм чиқариш банданинг иши — суднинг иши. Шу сабабли ўша банда бошқа бандаларнинг бошига ҳам ноҳақ ва ҳукм қилишдай ташвиш келтиришдан одамлар ҳамиша хавотирда бўлади. Шу сабабли ҳам одамлар қонун устуворлиги таъминланган давлат бўлишини хоҳлаб, шундай жамият қуришга, қолаверса, судлари мустақил бўлишини хоҳлаб, шунга эришишга талпиниб, интилиб яшайди. Қонун устувор, суд мустақил бўлган мамлакатларда одамларнинг асаби жойида бўлиб, улар узоқ умр кўриб яшайдилар. Одамлар жиноят содир этмаган шахсга ҳам туҳмат уюштириши мумкин бўлган жамиятда, суд одил бўлмаган жамиятда таҳлика ва қўрқув остида яшайдилар. Таҳлика ва қўрқув одамлар умрини кескин қисқартиришдан ташқари улардан ақл-заковатни, фаолликни, ташаббусни ҳам тортиб олади.

Бизнинг фикримизча, суд-ҳуқуқ соҳасида қалам тебратувчи журналистлар менинг фикрим кимнингдир шахсиятига тегиб кетмасин деб қўрқмасдан, бугунги судларимизнинг қонун устуворлиги кафолати бўла оладиган, ҳокимиятнинг одил ва мустақил тармоғи бўлиб фаолият кўрсатиши учун амалий ёрдам беришлари керак. Судларнинг холис ва мустақил бўлиши, ўзларига юклатилган чек-чегарасиз ваколатни тўғри ишлатишлари учун журналистлар судларга қандай ёрдам беришлари мумкин?

Бундай ёрдамнинг моҳияти нимадан иборат бўлиши лозим?

Аввалambор, матбуот ходимлари ҳозирги судларнинг фаолиятидаги нуқсонларни, тўсиқларни аниқлашлари, судларнинг тўлақонли ҳокимият бўлиб шаклланишидаги тўсиқлар ҳақида аёвсиз бонг уришлари лозим. Судьяларнинг қўплари бу ҳақда гапира олмайдлар, аниқроғи, баъзилари суд фаолият кўрсатаверишларини хоҳлайдилар. Судлар фаолиятини танқид қилишга қарши одамлар — бу судларнинг ҳозиргидай фаолият кўрсатаверишларини истовчи, суд ислоҳотига ич-ичидан қаршилардир.

Мисол учун, ўзингиз жиноят ишлари бўйича истаган суд биносига кириб, атрофга синчков назар солинг, ўшанда сиз суд котибининг аллақачон ҳукм ўқилган жиноят иши бўйича суд мажлиси баённомасини дастлабки тергов материалларидан кўчириб (судда далилларни йўқ қилиш орқали) қалбакилаштирганини шаксиз кўрасиз. Исталган туман, шаҳар, вилоят судларига боринг, шаксиз шу ҳолатни кўрасиз (бундай ҳолат ҳамма жойда бор).

Суд мажлисининг бориши ва мазмунини, судларнинг фаолиятини акс эттирадиган ойна, далиллар мажмуи ҳисобланган суд мажлиси баённомаси деган жуда муҳим ҳужжат суд мажлисидан кейин ёзилаётганига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Бу, яъни далилларни қалбакилаштириш ҳақида матбуотда чиқишлар қилиш керак. Негаки, юқорида турувчи судлар ҳам ўша қалбаки баённомага қараб ҳукмга баҳо берадилар, шу баённомани далил деб қарайдилар.

Шундагина Олий суд Пленуми суд мажлиси баённомасини юритиш тартибини муҳокама қилиб, судларга уни қонуний юритиш ҳақида тегишли тушунтиришлар беради. Ҳатто Олий Мажлисга суд мажлиси баённомасини илгари ўқилган ҳукмга мослаб ёзилишига чек қўядиган, аксинча суд мажлиси баённомасига қараб ҳукм чиқариладиган, яъни бу ҳужжат суд маслаҳатга киришдан олдин имзоланиши лозимлиги ҳақида қонунчилик ташаббуси билан чиқади. Агар журналистлар бонг урмасалар, одамлар тақдирини ҳал қиладиган жуда муҳим ҳужжатни — суд мажлиси баённомасини оммавий равишда қалбакилаштириш давом этаверади. Ўшандагина журналистлар суднинг ва мустақил судимиз борлигидан фахрланиб юрадиган бўлайлик. Бундай судни суд ислоҳоти орқали яратиш мумкин, албатта.

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ,
Ғиёс НОМОЗОВ,
адвокатлар

Оғриқ

ТАДБИРКОРГА "КРЫША" КЕРАКМИ?

"Коррупция" бўлими бошлиғи билан "пўм" бўлган А. Ҳамроевнинг бурни қонади, Ҳ. Мамедов тақдири нима бўларкин?

Дарҳақиқат, тадбиркор учун нима бирламчи? Маблағ, шароит, ҳуқуқи кафолатланган қонун ва жиндек ақл. Балли.

Бизда аҳвол қандай?

Зў-ўр!

Бўлмасам-чи, тадбиркорлик қилмоқчимисиз – марҳамат, кафолат дейсизми – ана, қонунларни ўқинг, қарорларни ўрганинг, сизга ёқмайдиган жиҳати бормикан?! Хўш, яна нима керак? Пул?! Э, ғам еманг, астойдил кўз ёш қилсангиз, банк орқали бу муаммонинг ҳам ечимини топасиз.

Яна-чи?

Энди ўзингизга "крыша" топсангиз кифоя, яъники том – "орқа", "суянчиқ", "танка" ва ҳоказо... "Крыша"нгиз яхши бўлса, сансалорликсиз кредит оласиз; "суянчиқ" қувватлироқ бўлса, корхонангизга текширувчи ўйлаброқ қадам босади; "танка"нгиз амалдор бўлса, Худо ярлақабди, сиз яйраб-яйраб ишлашингиз мумкин...

Йўқ, бу гаплар беморнинг алаҳсираши эмас, бор-йўғи тажрибали тадбиркорларнинг фикри қоғозга кўчирилди, холос. "Иби, ундоқ бўлса, ҳуқуқларим кафолатланган қонун қаёқда қолади?" дея ҳайрон бўлманг. Қонун жойида турибди, биров ортмоқлаб кетганича йўқ, ҳамма гап қонуннинг ишлашида қолган. "Қонунлар ишламаяпти", дейилмайди одатда. "Қонунлар янада яхшироқ ишлаганида эди!.." дея юрак орзиқади, холос...

Туриб-туриб ўйланиб қоласан: бизда қонун кучлими ёки айрим қонун посбонлари? Ҳартугул, иккинчиси ҳақиқатга яқинроқдек... Йўқса, ҳуқуқи қонунда кафолатланган тадбиркор (наинки тадбиркор?!) қонундан эмас, қонун посбонидан қўрқармиди?! (Қўрқув деганлари-ку, қон-қонимизга сингиб бўлганига неча замонлар бўлган) Нега? Айрим қонун посбонлари хуш кўрадиган ҳикмат одамда ўринли хавотир уйғотади-да: **одам бўлса бас, айбини топиш чиқора!** Қани, шундан сўнг ҳам биров ғиринг деб кўрсин-чи!

Ана, Абдулла Ҳамроев ғиринг деб кўрувди, аҳволи не кечди?! Ҳамроевга хайрихоҳлар тўғри айтган экан: қонун посбонларидан "крыша"-"суянчиқ"-"танка" қидириш ўрнига айни шу вазифани шараф билан уддалаши мумкин бўлган одам билан ўйнашиб ўтирибди-я... Мана, натижа: Абдулла Ҳамроев нақ қамоқ остонасидан қайтишга қайтди-ю, пешонасига "судланган" тамғаси босилгани қолди, буёқда эса рўзғор тебратишга яраб турган машинасини ўғрилар ялаңғочлаб кетди. Қизиғики, ўғрилик жинояти шундоқ милиция ходимлари бурнининг остида содир бўлдики, шунга қарамай ҳозиргача на "шўввозлар" топилди, на Абдулла Ҳамроевнинг ҳуқуқлари тикланди...

Воқеа тафсилотини эса қаҳрамонимиздан эшитинг: "... Мен узоқ йиллар ички ишлар идораларида турли лавозимларда ишлаб, 1995 йилда нафақага чиққандим. Нафақага чиққанимдан сўнг тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллана бошладим. "Форд" микроавтобуси сотиб олиб, "Навоий-Учқудуқ" йўналиши бўйича қатновни йўлга қўйдим, бунинг учун тегишли тарзда рухсатнома олиб, солиқларни тўлаб юрдим.

Кунларнинг бирида машинамни ижара асосида миниб юрган ҳайдовчи келиб, ДАН ходимлари ҳали у ерга, ҳали бу ерга олиб борасан, деб қўймаётганидан ёзғириб қолди. У милиция ходимларининг талаби билан бир неча марта Тошкентга бориб келганини айтди. ДАН ходимларига учрашсам, улар менга: "Вилоят ИИБ Коррупция бўлими бошлиғи О. Ондаевга боринг, биз у кишининг топшириғига кўра машинангизни тўхтатиб, коррупция ходимларига юборганмиз", дейишди.

О. Ондаевни шахсан таниганим учун ҳузурига бордим, бор гапни айтдим. Унинг энсаси қотди... Хуллас, суҳбат кўр емади, у билан сан-манга бориб қолдик. Шу воқеа сабаб О. Ондаевда менга нисбатан адоват уйғонди..."

Ҳамма ўзини ҳақ деб билади, жумладан А. Ҳамроев ҳам. Юқорида баён этилган вақеаларга уч йил бўлаётир, воқеа ростдан ҳам шундай кечганми ё бошқачароқми, О. Ондаевда А. Ҳамроевга нисбатан чиндан-да адоват уйғонган бўлса, унинг асл сабаби машина машмашасими ёхуд ўзаро мулоқотда айтилган нордон-нордон гапларми – бу мазкур икки шахс ва Худога аён.

Воқеалар ривожи эса А. Ҳамроевнинг гапларида мантиқ йўқ эмаслигини тасдиқлайдигандек...

Гап шундаки, 2000 йил ўрталарида бўлиб ўтган юқоридаги воқеадан кўп ўтмай А. Ҳамроевни вилоят ИИБ коррупция бўлимига чақиришади: эмишки, қаҳрамонимиз М. Натапов деган шахсга тегишли машинани унинг рухсатисиз сотиб юбориб, ҳисоб-китоб қилмай қочиб юрганмиш... Қачон? 1997 йилда!

Одатда, икки шахс ўртасидаги олди-бердига милиция ходимларидан кўра суд, яъники судьялар ҳакамлик қилиши мантиққа тўғридек. Зеро, кў-ўп "чув" тушган фуқаролар ИИБга шу мазмунда шикоят йўлласа, аксарият ҳолларда суд идораси рўпара қилинади-да! Йўқ, бу сафар ундай бўлмади, коррупция бўлими ходимлари М. Натаповдан машинангни ростдан ҳам А. Ҳамроев 1997 йилда "гум" қилворган бўлса, шу чоққача, яъни 2000 йилгача миқ этмай қаёқда лайлак ҳайдаб юрувдинг, деб сўрашмади, аксинча унинг 11.06.2000й. куни ёзган аризаси эртасигаёқ, 12.06.2000й. да рўйхатга олинди, унга О. Ондаевнинг гажакдор имзоси қўйилди: текширилсин, ҳал этилсин!

Давоми маълум: текширилди, ҳал этилди, натижа: А. Ҳамроев фирибгарнинг ўзгинаси, уни жиноий жавобгарликка тортиш керак, вассалом!

Ниҳоят, жиноят иши қўзғатилди. "Ниҳоят" дейишимизнинг боиси шуки, Ҳамроев устидан ариза тушган кундан то жиноят иши қўзғатилишигача орадан 78 кун вақт ўтади. Бу вақт мобайнида М. Натапов билан А. Ҳамроев бирбирини яхши танишлиги, ҳатто бирга тижорат қилишгани, тижоратки, майда олдисотди эмас, ҳатто Россия Федерациясига биргаликда бориб, автомашина савдоси билан шуғуллангани, яна ўрис ўлкасидан олиб келган учта машинадан иккитаси ўзаро келишув йўли билан Навоий шаҳридаги цемент заводига сотишганигача ойдинлик киритилади. Қолган битта машина сотилмай, "дам еб" қолгани, бу ҳол Натаповнинг диққатини оширгани (унга машина эмас, пул керак), шерик – А. Ҳамроев эса "партнери"нинг қонига ташна қилворган "мозор босди" машинани сотиб бериш учун Ҳ. Аллаёровга бергани, Аллаёров эса харидор топиб, пулини олишга улгурмай қамалиб кетиши оқибатида масала чигаллашиб, орада тушунмовчилик келтириб чиққани ҳам сув юзига қалқиб чиқади, бундай ҳолат қадимги бир ҳикматни орган ходимларининг ҳам ёдига солган бўлса ажабмас: шериклик шўрвани ит ичмас...

Ушбу чигал ва мужмал ҳолатни ортиқча баён қилиб ўқувчининг фикрини чалғитмайлик, боз яна 78 кунлик вақт оралиғида А. Ҳамроев: "Коррупция ходимлари мендан фалон нарса талаб қилди, мен фистон нарса бердим", дея куйиб-пишиб айтган гаплари-ю уни далиллашга қилган ҳаракати баёнини ҳам очиқ қолдирамиз, негаки, бировни, айниқса, орган ходимларини таъмагирликда айблаш қанчалар осон бўлса, уни исботлаш шунчалар мураккаб, шу боис "олди-олди" қабилидаги шикоятчи важларига шу ерда нуқта қўйилгани маъқул. Фақат таъкидлаш керакки, нари-бери қўзғатилган жиноят иши ҳали судья столига келиб-келмай, М. Натапов фикридан қайтиб, А. Ҳамроевга нисбатан ҳеч қандай даъво-достони йўқлиги, икки ўртада келиб чиққан тушунмовчилик барҳам топиб, ўзаро келишув, жайдари тилда айтганда "яраш-яраш" бўлганини билдириб, ариза битади. Ушбу ариза жиноят ишининг 179-варағига тиркалган бўлса-да, жазо тулпори аллақачон йўрғалаб кетгани боис тўхтатишнинг иложи топилмайди гўё...

Жиноят иши 2000 йилнинг 22 декабр куни Навоий шаҳар судида кўрилиб, айблов чок-чокидан сўкилиб кетгани учун қўшимча терговга қайтарилгани юқоридаги гаплар ҳавойи эмаслигига дастакдир. Бироқ фуқаронинг судда оқланиб кетиши бизда йўқ даражада эмасми, А.Ҳамроев аямай айбланган "дело" 2001 йилнинг 30 апрелида Навоий шаҳар судида иккинчи марта кўрилади ва судья Д. Худойбердиева сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган қилиб ҳукм ўқийди, яъники А. Ҳамроев ЖКнинг 168-модда 4-қисми "а" банди билан айбдор деб топилади, қайд этилган моддада жазо ўн йилдан кўпроқ қилиб белгиланган бўлсада, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, судланувчи 3 (уч) йилга "кесилади" ва амнистия актига кўра жазодан озод этилади. Кейинроқ, мазкур ҳукм вилоят судида бекор қилиниб, шу суд раёсатида яна тикланиб, хуллас, жиноят иши сўкилиб-титилиб-ситилиб, етар жойига етиб бўлгач, номи зикр этилган судьямиз яна бир бор ишни қўлига олиб, и-я, далилий ашё тақдири очиқ қолибдику, дея бир йилдан ортиқроқ вақт вилоят ИИБнинг автохўжалигида ёмғирда ивиб, офтобда қовжираб хатловда ётган А. Ҳамроевнинг "Форд" микроавтобусини "Эгасига қайтариб берилсин", дея ажрим чиқариб беради...

Воқеанинг энг қизиғи шундан кейин бошланади. Воқеаки, на кулишингни биласан, на куйишингни... Асабни тўкворган тергов, қонга ташна қилворган судлардан юраги зада бўлиб, қанчадан-қанча югур-югур, чоп-чоплардан сўнг қўлига теккан ажримни қўлтиққа уриб, Навоий вилоят ИИБга қарашли автохўжаликда хатловда ётган "Форд"ини олиб кетишга келган ота-бола Ҳамроевлар машинани кўриб... жинни бўп қолишларига са-ал қолади, денг. Нега дейсизми? Дуппа-дуруст юриб, каттакон рўзғорнинг қора қозонини қайнатиб турган "Форд" хатловда турган пайтида эхтиёт қисмлари талон-торож бўлиб кетиши натижасида мутлақо яроқсиз ҳолга келган, мутасаддилардан бу ҳолнинг изоҳи сўралганда елка қисишдан нарига ўтишмайди. Эътибор беринг, микроавтобус хатлангач, катта кўчада ташлаб қўйилмаган, балки ИИБга қарашли автохўжаликка сақлаш учун топширилган. ИИБнинг ўзак тармоғи бўлган автохўжаликда эса машинани ўғри уриб, ундан қуруқ савлат қолган, холос. **Қизиқ-а, фуқароларни ўғри-каззоб-муттаҳам ва бало-ю баттарлардан ҳимоя қилмоғи лозим бўлган милицияга қарашли гаражга ўғри тушиб(!), бир инсоннинг рўзғорини тебратиб турган машинасини аёвсиз тунаб, уйини куйдириб кетган, мутасаддилар эса ғафлатда?!** Ахир, милиция гаражи очиқ карвонсарой эмаски, ҳамма бемалол кириб чиқадиган. Бу ҳолга ишонай десанг, ИИБ гаражига четдан биров ўғриликка тушади дейсизми; ишонмай десанг, аҳволни кўриб турибсиз!

Алқисса, бўлар иш бўлди, милиция гаражидаги машинани ўғри урди! Абдулла Ҳамроевнинг отаси, ўз вақтида Меҳнат қаҳрамони унвони соҳиби бўлган нуроний отахон вилоят ҳокимига шикоят ёзганидан сўнг иш о-озгина олдинга силжиди: Навоий вилоят прокуратураси юқоридаги ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатиб, тергов ҳаракатларини ўтказиш учун Навоий шаҳар ИИБга юборади, терговчи А. Муродов "дело"нинг ижиғ-бижиғини чиқарган бўлса-да, ҳеч қандай натижа йўқ: ўғри топилмади, демак, ишни ҳаракатдан тўхтатган маъқул. Шундоқ бўлди ҳам: мана, иш ҳаракатдан тўхтатилганига икки йил бўлмоқдаки, ўғрининг ўзи тугул, изиям топилмади...

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Мазкур факт юзасидан жиноят иши қўзғатган вилоят прокуратураси "дело"ни вилоят ИИБга бўйсунувчи идора – Навоий шаҳар милициясига юбориши мантиққа тўғримикан? Боисики, автохўжалик – вилоят ИИБга қарашли, мутасаддилари ҳам шу соҳа вакиллари, ҳатто ИИБ бошлиғи ўринбосарларидан бири айни хўжалик ишлари бўйича, шундоқ экан, шаҳар милициясининг оддий терговчиси катта раҳбариятга қарши бориб, сўроқ-савол қилолмаслиги ҳақиқат, жўнгина мантиқ-ку! Тўғри, бизда қонун барчага баробар, бироқ қонун посбонлари қонундан кучли бўлиб турган бир паллада ушбу жиноят очилишига ишониш мумкинми? Мумкин бўлса, икки йилдан буён туя гўшти еб ётган иш очилмасмиди? Ўз вазифасига масъулиятсизлик, лоқайдларча муносабатда бўлиши натижасида фуқаронинг мулкий ҳуқуқлари поймол этилиб, жуда кўп миқдорда моддий ва маънавий зарар кўришига сабабчи бўлган шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилмасмиди?

Мана "коррупция" бошлиғига ўчакишишнинг аччиқ ҳосиласи...

Собиқ орган ходими А. Ҳамроев буни кечроқ англаб етди. "Қаранг, — дейди Абдулла ака куйиниб, — ростдан ҳам айрим собиқ ҳамкасбларга, айниқса, вилоят ИИБнинг "коррупция" бўлими бошлиғи О. Ондаевга қарши бориб бўлмас экан, яқинда денг, тобим қочиб Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли касалхонага тушгандим, дори-дармон, муолажа ҳисоби юз минг сўмдан ошиб кетди, пулнинг ярмини тўлагандим, охиригча ҳисоб-китоб қилмагунимча дўхтирлар паспортимни бермади, мен билан деярли бир вақтда О. Ондаев ҳам шу ерда даволанганди, қизиқиб суриштирсам, Отаназарбойнинг муолажаси уч юз мингдан ошибди, бироқ ҳисоб-китоб насияга қолишига қарамай дўхтирлар уни иззат-икром билан кузатиб қўйишди..."

Шунақа, Абдулла ака, аканг "коррупция" бошлиғи бўлсин экан, уканг "коррупция"да ишласин экан. Шунда унча-мунча битмайдиган иш ҳам битиб кетади, қарабсизки, қўйлар тинч, бўрининг ҳам қорни тўқ...

Исботми? Марҳамат.

Шу йилнинг январида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарори юзасидан ўтказилган тадбирда Навоий вилоят ИИБ коррупция ходимлари фуқаро А. Асадов томонидан амалга оширилаётган "КамАЗ" автомашинасининг 77 турдаги эхтиёт қисмлари савдосига чек қўйди гўё... Мазкур ҳолат юзасидан, табиийки, маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш очилади, 77 турдаги эхтиёт қисмлар ҳисобкитоби 644300 сўмни ташкил этади, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди ҳуқуқбузар А. Асадовни тегишлича жарима жазосига тортиб, қайд этилган миқдордаги товарларни давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида қарор қабул қилади...

Бу ҳол бир қарашда қонуний, ҳаммаси жой-жойида, яъники — ноқонуний савдога чек қўйилди, қонунга тескари борган фуқаро жазосини олди, далилий ашё — эхтиёт қисмлар мусодара қилинди. Хўш, яна нима қилмоқ керак? Фақат битта юмуш қолган — мусодара этилган товарни сотиб, пулини бюджетга тушириш керак. Бунинг учун суд ижро варақасини берса — кифоя, азамат ижрочилар хизматга шай...

Айни шу нуқтада юқоридаги қонуний тадбир, қонуний "ушланган" мол ҳамда суд чиқарган қарорнинг қонуний ижроси жараёнида катта ноқонуний ҳолат бўй кўрсатиб қолади, денг.

Гап шундаки, Навоий вилоятининг Кармана шаҳрида "Оқ олтин XXI аср" масъулияти чекланган жамият бўлиб, унга вилоят ҳокими қарори билан давлат ҳисобига ўтказилган товар-моддий бойликларни сотиш ҳуқуқи берилган, бинобарин, юқоридаги факт – мусодара қилинган эхтиёт қисмларни сотиб, пулини тушиб бериш ҳам унинг чекига тушганди. Товарлар сотуви э-энди бошланган чоғ "Оқ олтин XXI аср" МЧЖ га қарашли дўконга томдан тараша тушгандек, вилоят ИИБ ходимлари кириб келишади, харидорларни мажбурий равишда кўчага ҳайдаб, ҳе йўқ, бе йўқ, текшириш ўтказа бошлайди. Ўзбошимчалик шу даражадаки, "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" тўлдирилиши у ёқда турсин, ҳатто молиявий хужжатларни қўлтиққа уришиб, бошқарманинг коррупция бўлимига олиб кетишади... Ҳужжатлар ўрганилиб, ҳеч қандай ноқонуний ҳолат топилмагач, шу-унча ишнинг бошида турган масъул шахс – вилоят ИИБ коррупция бўлими бошлиғи Отаназар Ондаев "Оқ олтин XXI аср" МЧЖ раҳбари Ҳожи Мамедовни ҳузурига чақиради.

Ҳ. Мамедов ИИБ га борса, О. Ондаев хонасида ёлғиз эмас, А. Асадов билан бирга ўтирган экан. (ёдингиздан кўтарилмаган бўлса керак: А. Асадов ўша - моли мусодара бўлган ҳуқуқбузар). О. Ондаев ортиқча пачакилашиб ўтирмай, гапнинг индаллосини айтиб қўяқолади: суд қарорига кўра давлат фойдасига ўтган товарлар сотувини тўхтатиб, молларни собиқ эгасига, яъники А. Асадовга қайтарасан, вассалом!

Бундай талабдан танг қолган Ҳ. Мамедов изоҳ беришга уринади: Ондаевжон ака, товарни мен эмас, суд мусодара қилди, уни сотишни эса ижрочилар бизнинг зиммага юклаган, мана бу ҳақда қарор ҳам мавжуд...

Йўқ, Ҳ. Мамедов гапини тугата олмайди, талаб иккинчи сафар қатъийроқ такрорланадики, шўрлик "Оқ олтин XXI аср" МЧЖ раҳбарининг кўз олдида аввал қамоқхона камералари гавдаланади, сўнг чирқиллаб қолаётган фарзандлари...

Алқисса, мусодара этилган товарлар О. Ондаевнинг ўзи билан бирга ишлайдиган тезкор вакил — капитан Ф. Сиддиқов гувоҳлигида собиқ эгаси А. Асадовга олиб берилади. Бунинг нимаси ёмон, нимаси ноқонуний, дерсиз, товарлар бошқа шахсга сотилди нима-ю, собиқ эгасига сотилди нима? Муҳими, пул тушиши эмасми?

Балли, муҳими мусодара этилган товарнинг пули давлат ҳисобига ўтиши. Бироқ, бунинг "навоийча" йўли бор эканки, О. Ондаевнинг хаёлини қочирган, тезкор ходим Ф. Сиддиқовни ҳаракатга келтирган, ҳуқуқбузар А. Асадовнинг ҳаловат топмай қолиши боиси ҳам шунда, чоғи...

У ёғини сўрасангиз, капитан Ф. Сиддиқов ўзига юклатилган "миссия"ни шараф билан адо этгач, бориб О. Ондаевга ҳисобот беради, гап орасида қистириб ўтишни ҳам унутмайдики, ҳамма товарлар Асадовга олиб берилиб, пуллари тўланди, аммо Мамедов тушмагур эхтиёт қисмлардан бир-икки донасини сотиб юборибди...

Бу гапдан жаҳли чиққан О. Ондаев зудликда Ҳ. Мамедовни яна ҳузурига чорлайди. Сўнг сўроқ-савол қиладики, бир комплект гильзани беш мингга сотибсан, унинг бозордаги баҳоси қанчалигини билмайсанми?..

Ҳ. Мамедов изоҳ беришга уринади: менга мусодара этилган молларни вилоят Баҳолаш Комиссияси нархлаб берган, мана далолатнома...

Ҳ. Мамедовнинг гапи яна оғзида қолади. О. Ондаев яна одати бўйича талаб қиладики, **эхтиёт қисмларни А. Асадовга қайтариб бериш учун нархи атайлаб арзонлаштирилган,** билдингми, гап битта - ё сотган гильзани ўрнига қўясан ёки унинг бозордаги нархи – 150 мингни тўлайсан, вассалом!

Ҳ. Мамедов ёш бола эмас, ким нима деса хўп деб қилаверадиган, бироқ коррупция бўлими бошлиғининг гапи икки бўлса, нималар содир бўлишига ақли етишгани ростдирки, гильзанинг бозор нархидаги "соққа"сини Асадовга беришдан ўзга чора топмайди...

Дарвоқе, мусодара этилиб, сўнг собиқ эгасига қайтарилган товар, уни баҳолаган Баҳолаш Комиссияси хулосаси ҳақида. Қаранг, 77 турдаги эхтиёт қисмларнинг умумий нархини Комиссиядаги азаматлар 644300 сўмга баҳоламоқда. Келинг, баҳолаш далолатномасидаги айрим эхтиёт қисмларга қўйилган нархларга кўз югуртирайлик: беш дона тормоз диафрагмаларининг ҳар бири 500 (беш юз) сўм қилиб белгиланган, бозорда айни шу эхтиёт қисмнинг бир донасини 3000 (уч минг) сўмга олсангиз, дўппини осмонга отаверинг, биродар! Ёки спидометр, бозорда 13-15 мингдан камига топиш мушкул бўлган шу матоҳни Комиссия "хотамтойлари" бор йўғи 2000 (минг) сўм миқдорида белгилаган... Ана энди, беш-олти баробар, қасддан арзонга баҳоланган 77 турдаги эхтиёт қисмларнинг қоғоздаги баҳоси 644300 сўм бўлса, бозордаги баҳоси қанча бўлишини ҳисоб-китоб қилаверинг!

Эҳтимол, О. Ондаев бошлиқ қонун посбонлари Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарори ижроси бўйича "мундоқ иш қилдик-ундоқ ишларни қойиллатдик, натижада фалон минг сўмлик ноқонуний сотилаётган товарлар давлат ҳисобига ўтиб, бюджетга мана мунча пул тушди", дея ҳисоботлар бериб, олқишу мақтовга бурканган бўлса, бордир...

Бироқ, аслида-чи? Аслида бундай зўравонлик, қонунни топташ, ҳужжатларни қалбакилаштириш оқибатида наинки фуқарога, давлатга қанча зарар етмоқда? Бундай сохтагарчилик кимнинг манфаатига хизмат қилади ва бундай номаъкулчилик бошида кимлар турибди?

Мана, айрим қонун посбонларининг қудрати, мана "коррупция..."нинг қуввати...

Мана, "крыша"си йўқ тадбиркорларнинг аҳволи-ю, "крыша"си борнинг муаммоси нечоғли ечим топаётгани... Шу ҳолнинг ўзиёқ мақоламизга сарлавҳа бўлган саволга жавоб эмасми?

Турсунали АКБАРОВ,
Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Ҳуррият"нинг махсус мухбирлари

P.S. Ушбу мақола қоғозга тушаётганда қаҳрамонларимиздан бири — А. Ҳамроев хабар қилдики, куни кеча Навоий вилоят ИИБ бошлиғининг икки нафар ўринбосари уйига келиб, абгор аҳволдаги "Форд"ни таъмирлаб беришни ваъда қилиб, "ёзди-ёзди"ларни бас қилишни айтишибди... Абдулла ака хурсанд, йиллаб чўзилган муаммо ниҳоят ечим топадиган бўлди, деб. Биз эса ҳайрон: машина харажатини ИИБ раҳбарлари эмас, уни шип-шийдам қилиб кетган ўғри тўламайдими? Ўғри - ҳали топилгани йўқ, ким билсин, ИИБ раҳбарияти аввал "Форд"ни тузатайлик, ўғри топилгач, ўзимиз ҳисоб-китоб қилволамиз, деб ўйлашдимикан ё?..

Бу орада иккинчи қаҳрамонимиз Ҳ. Мамедовдан ҳам хабар келди: «вилоят ИИБ коррупция бўлими бошлиғи ва бошқалар устидан прокурорга арз қилгандим, прокуратура вилоят баҳолаш комиссияси ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатганди, тергов ниҳоясига етмаёқ, "дело" ёпилибди... Энди нима бўлади, ИИБнинг айрим ходимлари шундоқ ҳам ўтказаётган тазйиқини баттар кучайтирмасмикан?»

Билмадик, Ҳожи ака, билмадик...

Х. СОДИКОВ чизган сурат

Таълим

Мақсад – етук мутахассислар тайёрлаш

Ватанимиз фуқароларини, хусусан, ёш авлодни мустақиллигимизни эъзозлаш, она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, талаба ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш ниҳоятда масъулиятли ва айни пайтда шарафлидир.

Шу боис республикамиз олий таълим муассасалари қатори Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида бу соҳадаги барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Миллий рамзларимизни, Конституцияни, она тилимизнинг муқаддаслигини тарғиб-ташвиқ этиш ва ёшлар онгига сингдириш мақсадида университет хиёбони бўйлаб маълумотнома паннолар, лавҳалар барпо этилди.

Республика олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган "Намунали факультет" танловида биология факультети биринчи ўринни, "Конституция – бахтимиз пойдевори" кўрик-танловида университетимиз жамоаси мамлакатимиз олий таълим муассасаларида ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

Ватанимиз тарихи ва унинг мумтоз сиймоларига бағишлаб ўтказилаётган турли анжуман, мулоқот, учрашувлар, миллий қадриятларни эъзозлаш соҳасида олиб борилаётган ишлар, спорт, санъат соҳасида ўтказилаётган кўрик-танловларга қатнашиш кўламини кенгайтириш, жисмонан бақувват ва маънан баркамол ёшларни тарбиялаш диққат марказимизда турибди.

Хусусан, ўтган ўқув йили давомида 30-йиллар қатағони қурбони бўлган тарихчи олим, профессор П.Солиев таваллудининг 120 йиллиги, қомусий олим, ношир, адиб ва мутаржим С.Ализода таваллудининг 115 йиллиги кенг нишонланди. Гап шундаки, ҳар иккала аллома ҳам 30-йилларда университетимизда фаолият кўрсатган.

Айниқса, талабаларимизга бўш вақтларидан унумли фойдаланиш имкониятини яратиб бериш, ҳар хил тўгаракларни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 20 га яқин спорт тўгараклари, "Шалола", "Қувноқлар ва зукколар", "Илҳом", "Талаба" клубларида, жами 80 га яқин тўгаракларда 2000 дан зиёд талаба фаол иштирок этмоқда.

Талабалримиз жаҳон миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Жумладан, жисмоний маданият факультети талабаси, чим устида хоккей бўйича Ўзбекистон чемпиони Ю.Ашурова Таиландда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 1-ўринни эгаллади, К.Ким стол тенниси бўйича Швейцарияда бўлиб ўтган мусобақада ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди, мамлакат чемпиони Н.Назаров Кореядаги Осиё ўйинларида эшкак эшиш бўйича кумуш ва бронза медалларга эга бўлди.

Худди шунингдек, "Гулдаста" хор жамоаси "Ўзбекистон анъанавий қўшиқ байрами" танловида 2-ўринни, талабалар театр-студияларининг "Хазина-2003" фестивалида "Илҳом" клуби жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Ҳукуматимиз томонидан олий таълим муассасалари олдига қўйилаётган вазифалардан яна бири - ёш мутахассисларга билим бериш савиясини жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишдан иборат. Бу соҳада олий таълим муассасаларида ҳозирги замон техник воситаларини ўрнатиш ҳамда ана шу талабларга жавоб берадиган профессор-ўқитувчилар билан ишлашга алоҳида диққат қаратилди.

Шу нуқтаи назардан гуманитар фанлар таълимида жонли суҳбат ва мулоқотларни кўпайтириш, маърузабозлик ва назарий баёнчиликдан қутилиш зарур. Шу мақсадда шўро даврида жабр кўрган кекса авлод вакиллари билан учрашувлар ўтказиш, фильмлар, мультимедиялар ва электрон воситалардан фойдаланишни кенг жорий этиш, айниқса, тарих дарсларини манбалар, архив материаллари билан бойитиш лозим. Бундан ташқари, бадий-тасвирий воситаларни қўллаш, ўқувчи, тингловчининг қалбига таъсир этишга эришмоқ керак. Бизнингча, маърузалар ҳам баланд руҳда ва ҳаётий бўлса, янада яхши.

Замонавий технологиялардан фойдаланиш борасида ҳаётий бир мисол. Самарқанд Давлат университети негизида республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Вестминстер халқаро университети билан ҳамкорликда пойтахт зиёлилари гуруҳи билан ўтказилган телетасвирий илмий конференцияда мулоқотнинг асосий мавзуси ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини сингдира бориш усуллари ва услублари ҳақида бўлди.

Ҳар иккала аудиторияда, яъни Тошкент ва Самарқандда йиғилган олимлар гўё бир хонада юзма-юз ўтиргандай ана шу мавзуни ҳар тарафлама чуқур ва атрофлича очишга ҳаракат қилдилар. Ватанпарварлик ғоясини талаба ёшлар онгига сингдириш услубияти ҳақида гапирар экан, яқинда "Элюрт ҳурмати" орденига сазовор бўлган академик Б.Валихўжаев жумладан, қуйидагиларни гапирди: "Аввало, Ватан нима, уни қандай тасаввур қилиш мумкин, деган ҳақли саволга жавоб топайлик. Ҳар бир талабага шуни уқтириш лозимки, "Она-Ватан" деймиз, яъни онани қанчалик севсак, Ватанни шунчалик севмоқ лозим, Ватанга бўлган муҳаббат ўз онасига бўлган муҳаббатдай бўлмоғи керак. Ана шу туйғу билан суғорилган йигит-қизлардан ҳақиқий ватанпарвар, фидойи мутахассислар етишиб чиқади"...

Ўқув жараёнида талабалр онгини, тафаккурини янгилашда ижтимоий-гуманитар фанларни истиқлол талаблари даражасида ислоҳ қилиш, ноанъанавий дарсларни жорий этишга эътиборни кучайтириш билан бирга амалий-тарбиявий тадбирларга ҳам жиддий ёндашиш лозим. Шу мақсадда университетда бир неча музейлар фаолият кўрсатмоқда. Археология музейи халқимизнинг қадимги даврлардан бошлаб тарихий илдизларини кўрсатиб берувчи ғоят қимматли маданий меросимиз намуналари билан бойитилган; Алишер Навоий музейига ташриф буюрган талабаларимиз юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларин шакллантирувчи муҳитдан баҳраманд бўладилар. Оронжерия, геология, зоология музейларида Ватанимизнингт ғоят бой ва гўзал табиати; ер ости ва ер усти бойликлари, тарихи ва бугуни билан танишиш мумкин. Айнан шу муҳит талабаларга уларнинг ким, қайси халқ вакили, қандай маданий-маънавий меросга эгаси эканеликларини таъкидлабгина қолмасдан, шу ягона Ватанни севиш, уни асраб-авайлашга ҳам ўргатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан олдимизга қўйилган вазифалардан бири – олий таълим муассасаларининг халқ хўжалиги билан яқин алоқаларини таъминлашдан иборатдир. Бу ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб, таълим жараёни ва унинг ҳаёт билан мустаҳкам алоқасини таъминлашбилан боғлиқ. Шу жиҳатдан Самарқанд давлат университетида бир қатор ишлар режали тарзда амалга оширилмоқда. Бу ўринда шуни эслатиш жоизки, 2003-2004 ўқув йили бошланиши муносабати билан академик лицейнинг университет хиёбонида барча қулайликларга эга бўлган янги ва замонавий биноси фойдаланишга топширилди.

Самарқанд вилояти фаоллари йиғилишида Юртбошимиз томонидан "олий ўқув юртлари ҳеч бўлмаганда биттадан қишлоқ мактабларини оталиққа олсин", деган вазифа қўйилганди.Давлат университети айни вақтда Иштихон туманидаги мактабларни ўз оталиғига олиб, уларга илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

М.МУҲИДДИНОВ
Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети биринчи проректори

Мулоҳаза

ГУРУЧ КУРМАКСИЗ БЎЛМАЙДИ

Лекин бу жамиятда қонунбузарлик бўлиши табиий, дегани эмас!

Фалокат оёқ остида бўлиб, бир дақиқада рўй берар экан-у, Худо кўрсатмасин, бир умрга ўз «шарбати»ни татиб юришга маҳкум этар экан. Мен шундай маҳкум этилганлардан бири бўлиб, тўшакка михланиб қолганман.

Тўшакка михланиб қолган бандаси борки, одамлар орасида бўлгиси, диёримиздаги улкан ўзгаришларни, эришилган ютуқларни кўриб, халқимиз қувончига шерик бўлиш орзуси билан яшайди.

Яқинда қариндошлардан бири: "Ёта верасизми, сизни машинага ўтказиб шаҳар айлантирай, шаҳримизнинг янги қиёфасини бир кўринг", деди. Аввал мен учун жуда қийин, деб рад қилган бўлсам, кейин рози бўлдим.

Шундай қилиб шундоққина бизга қўшни бўлган Миллий академик "отахон" театримиз, Ҳадра майдонидаги ўзгаришларни, Савдо марказию Кўкалдош мадрасаси, "Жар" ўйингоҳи, "Чорсу" майдонини кўриб таниёлмай қолдим. Беруний кўчаси бўйлаб борар эканмиз, миллийлик уфуриб турган ажойиб бунёдкорликларни кўриб ниҳоятда қувондим. Қайтишда Уйғур кўчаси билан қайтарканмиз, кенг-равон йўлу янги қурилган коллеж, кўприкни кўриб, бунёдкор халқимизга тасаннолар айтдим.

Айни пишиқчилик даври. Бозорларимиз тўкин-сочин, куз неъматлари билан тўла. Бозор бозор-да, нарх-наво тарози шайинидек ўйнаб турар экан. Куни кеча 200-300 сўмдан бўлиб турган қовунни 1000 сўм деб туришса-я. Уйдаги гап бозорга тўғри келмайди, деганларидек кўзлаган харидимизни қилолмадик. Бу борада боғбону деҳқонларимизга қараганда бир неча баробар кўп бўлган тадбиркорларимизнинг яхшигина хизмат кўрсатиши сир эмас. Сўнгги вақтда бойлик орттириш йўлида анча-мунча ғирром ишларга қўл урган тадбиркор юртдошларимиз ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Албатта, гуруч курмаксиз бўлмайди. Лекин бу жамиятда бировнинг ризқи эвазига ҳаром йўл билан бойлик орттирадиганлар бўлиши табиий ҳол сифатида қабул қилинишига йўл очиб беролмайди.

Ҳартугул инсоф деган олий фазилат, удум ҳали-ҳануз четга суриб қўйилганлигини тан олишга тўғри келади. Бу ҳол фақат бозорларимиздагина эмас, билсангиз.

Яқингинада бир буханка ноннинг нархи 100 сўмдан 110 сўмга кўтарилганида газеталардан бирида икки маротаба мақола берилиб, корхоналаримиз раҳбарларининг ўзбошимчалиги билан қўша-қўша "сотовой" телефону автомашиналар олиниб қилинган харжлар ноннинг нархини ошириш асносида қопланганi тўғрисида сўз юритилди. Худди шунга ўхшаш электр энергияси бошқармаси раҳбарлари кабель ва симлар, ҳисоблагичлар ўғирланиши натижасида давлатимиз катта зарар кўргани боис

энергия тўловлари ошганлигини радиомизнинг "Тошкент" студияси муҳарририяти уюштирган мулоқотда айтишди.

Масъулиятсиз, эл дардидан бегона айрим раҳбарларнинг мана шундай ишлари давом этаверса, кимларнингдир бойлик орттириши, зарарнинг ўрни тўлдирилиши халқнинг зиммасига тушаверса, тараққиётимиз орқага сурилмайдими?

Шахсий манфаатни кўзлаб қонунга хилоф ишлар қилинаверса, корхонаю бошқармалардаги камомаду зиёнлар кимнинг ҳисобига тўлдирилади. Бу ёруғ дунёда Ватан ривожи, халқ фаровонлиги йўлида инсофни четга суриб қўймасдан, ғирром ишларга қўл урмай, имонэътиқод-ла иш юритиб, жаннатмакон диёримиз равнақига хизмат қилишга нима етсин. Иншооллоҳ, шу кунларга етишга умидвордир халқимиз, чунки Юртбошимиз айтганларидек, ҳеч кимдан кам эмасмиз.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ,
меҳнат фахрийси,
I гуруҳ ногирони

Дараклар

Қодиров ўз вазифасини бажаришга киришди

Чеченистонда ўтган сўнгги президентлик сайловида ғалаба қозонган Аҳмад Қодиров ўз халқи олдида қасамёд қабул қилди ва расман ўз вазифасини бажара бошлади. Иногурация маросимида Чеченистоннинг янги сайланган раҳбари мамлакатда тинчлик ва хотиржамликни сақлаш, иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштиришга сўз берди.

Эслатиб ўтамиз, Аҳмад Қодиров икки ҳафта муқаддам бўлиб ўтган сайловда 80 фоиз овоз билан ғалабага эришганди ва 7 октябрда Марказий сайлов комиссияси томонидан Чеченистон Президенти, дея эътироф этилганди.

МАГАТЭ Эронни фаол ҳамкорликка чақирди

Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик – МАГАТЭ раҳбарияти Эронни ташкилот билан фаол ҳамкорлик олиб боришга чақирди. Агентлик раҳбарлари фикрича, акс ҳолда МАГАТЭнинг Эронга қарши махсус резолюция қабул қилишдан ўзга чораси қолмайди. Халқаро агентлик талабига кўра, Теҳрон ҳукумати мамлакатда олиб борилаётган атом тадқиқотлари ҳақида муфассал маълумот бериши ва тегишли объектларни халқаро мутахассисларга кўрсатиши зарур.

Эроннинг МАГАТЭдаги вакили Али Акбар Солиҳий баёнотига қараганда, Теҳрон агентлик билан талаб даражасида ҳамкорлик ўрнатади ва иш резолюция қабул қилишга қадар бормайди.

Япония Ироққа ҳарбий бўлинма юбормоқчи

Айни вақтда Ирокда иттифоқчи кучларга қарашли бир неча минг кишилик контингент фаолият кўрсатмоқда. Уларга ҳозирча Польша ҳарбийлари бошчилик қилмоқдалар. Яқин кунларда Япония ҳукумати ҳам Ироққа ҳарбий бўлинма юборадиган бўлди. Бу ҳақда мамлакат Бош вазири Дзунитиро Коидзуми оммавий ахборот воситаларига берган баёнотида маълум қилди.

Токио томонидан юбориладиган ҳарбий хизматчилар сони ҳозирча маълум эмас. Аниғи шуки, япон ҳарбий кучлари асосан Ироқ инфратузилмасини қайта тиклаш ишига кўмаклашади. Мамлакатдаги иқти-

содий-ижтимоий ислоҳотларни жадаллаштиришга ёрдам беради. Маълумотга кўра, Япония ҳарбий контингенти Ироққа декабрь охирида етиб келади.

Бин Лодин АҚШни огоҳлантирди

Кўп вақтдан буён номи оммавий ахборот воситаларида тилга олинаётган Усама бин Лодин яна жаҳон ҳамжамияти назарига тушди. Гап шундаки, биринчи рақамли террорчи "Ал-Жазира" телеканали орқали АҚШ раҳбариятига

мурожаат қилди. Бин Лодин таҳдидли мурожаатида Қўшма Штатларни Ирокдан ўз ҳарбий кучларини зудлик билан олиб чиқиб кетишга даъват этди. Акс ҳолда АҚШга қарши навбатдаги қўпорувчилик ҳаракатлари уюштиражаги билан огоҳлантирди.

Тинч океани давлатлари учрашуви

Таиланд пойтахти Бангкокда Тинч океани давлатлари иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Халқаро учрашувда минтақа мамлакатлари ўртасида иқтисодий, сиёсий ҳамкорлик муносабатларини янада кучайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди. Ҳамкорлик мажлисида иштирок этган АҚШ Президенти Жорш Буш Осиё мамлакатларини Ироқдаги тикланиш жараёнида фаол иштирок этишга чорлади.

Мазкур халқаро учрашувда минтақа давлатлари раҳбарлари билан бирга Япония Бош вазири Дзунитиро Коидзуми, Россия Президенти Владимир Путин ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Зен Тяо иштирок этди.

Дунёдаги энг баланд иморат

Тайванда дунёдаги энг баланд иморат бунёд этилмоқда. Маълумотларга қараганда, иморати олийнинг баландлиги 508 метрдан ошади. "Тайпей-101" деб номланган бинонинг бир қисми яна бир ойдан кейин фойдаланишга топширилади. Ҳозирча бу ерга савдо идораларини жойлаштириш режалаштирилмоқда.

Шерзод ОХУНБОЕВ
тайёрлади

"4-ҳокимият"

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИГА ТАҲДИД

Варшава шаҳрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги йиғини бўлиб ўтди. Учрашувда ташкилотга аъзо мамлакатларда сўз, матбуот ва виждон эркинлиги ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёрларга қай даражада риоя этилаётгани муҳокама этилди. Ва айтиш керакки, айни масалаларда сўзлаган нотиқлар томонидан кўпроқ танқидий-таҳлилий мулоҳазалар билдирилди. Қуйида АҚШ делегацияси аъзоси Роналд Макнамараниng ЕХҲТ давлатларида ОАВ эркинлиги таҳлилига бағишланган маърузасини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Маъруза газета имкониятидан келиб чиқиб, бироз қисқартирилган ҳолда берилмоқда.

Ўтган йилнинг декабрида БМТнинг сўз эркинлиги бўйича махсус вакили ва ЕХҲТнинг оммавий ахборот воситалари бўйича вакили ҳамкорлигида декларация ишлаб чиқилганди. Ушбу декларация туҳмат учун жиноий жавобгарликка тортиш сўз эркинлигини чеклаб қўйиши мумкинлигини, шу боис туҳмат учун жиноий жавобгарликни кўзда тутувчи қонунлар бекор қилиниши ва маъмурий жавобгарлик билан алиштирилиши лозимлигини яна бир карра тасдиқлади.

АҚШ бутун дунёда бўлмаса-да, ЕХҲТ минтақасида мазкур қоидани жорий этиш учун жидду жаҳд билан ҳаракат қилмоқда. Шу жиҳатдан туҳмат ва ҳақорат учун жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилган Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Руминия ҳукумати томонидан билдирилган таклифни қўллаб-қувватлаймиз. Уйлаймизки, парламент ушбу таклифни қабул қилади ва уни қонуний кучга киргизади. Руминия ҳукумати тўғри эътироф этганидек, туҳматга қарши курашда фуқаролик кодекси меъёрларининг ўзи кифоя қилади. ЕХҲТ Арманистон ҳукуматини ҳам Руминиядан ибрат олишга чақирмоқда ва биз ҳам бу борада ташкилот фикрига қўшиламиз. Афсуски, эркин оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва журналистларни ҳимоя қилиш учун катта куч, кўп ресурс ва улкан маблағ сарфланаётганига қарамай, охирги йилларда ЕХҲТ минтақасида ОАВ эркинлиги бўйича аҳвол тобора ёмонлашиб бормоқда. Мана, айрим мисолларни кўриб чиқайлик.

Беларусь раҳбари Лукашенко ҳукумати томонидан ОАВ фаолиятига ҳамон кучли босим ўтказилмоқда. Энг охирги мисол. Беларусь ҳукумати ЕХҲТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили Фреймут Дувега виза беришни рад этди. Бу ОАВга душманлик муносабати кучаяётган бир вазиятда рўй бермоқда. Ҳукумат аккредитация муддатини узайтиришдан бош тортгани сабабли, Американиng ноҳукумат ташкилоти — АЙРЕКС июль ойидан Беларусда ўз фаолиятини тўхтатди. Охирги тўрт ой ичида ҳукумат "Белорусская деловая газета", "Навинки" ва "Предпринимательская газета" каби вақтли нашрларни тугатиш орқали мустақил ОАВ фаолиятини чеклаб қўйди. Шунингдек, ҳукумат томонидан касаба уюшмаларининг "Солидарность" газетаси таҳририяти мухрлаб қўйилди.

Украинада ОАВ эркинлигига қўйилаётган тўсиқлар жиддий хавотир уйғотади. Президент Кучма маъмурияти томонидан газета ва журнал муҳаррирларига қандай мавзуларда ёзиш ва уларни қай тарзда ёритиш бўйича тўғридан-тўғри кўрсатмалар берилмоқда. Бизнингча, 2004 йилда ўтказилиши кутилаётган президентлик сайловида халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилинишини таъмин этишда ҳукумат босимидан холи, эркин журналистика асосий омил ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича ваколата эга Нина Карпачова 2003 йилнинг 18 апрелида Украина парламентида сўзлаган маърузасида маълум қиладики, журналистика мамлакатдаги энг хавфли касблардан бири бўлиб қолмоқда; охирги ўн йил ичида 36 нафар журналист жонига қасд қилинди; журналистларни уриш, қўрқитиш, ОАВ банк ҳисоб рақамларини "музлатиш", газета-журналлар мулкини мусодара қилиш каби ҳолатлар ҳаётий меъёрга айланиб улгурган.

Матбуот ва ОАВ эркинлиги демократик фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий талабларидан биридир. Хельсинки Якунловчи актига биноан, ушбу принципга риоя этиш ҳар бир аъзо давлатнинг мажбуриятидир.
Лиссабон саммити Декларациясидан (1996).

Турк журналисти Ҳасан Езгни иши яна қайта бошдан кўрилаётганидан ташвишдамиз. Езгни тўққиз йиллик озодликдан маҳрум этиш жазоси олиб ташланиб, эркинликка чиққанди. Бироқ кўп ўтмай, Туркия Жиноят кодексининг 159-моддаси бўйича "давлат институтлари обрўсини тўкиш"да айбланди. Энди унга 12 йиллик озодликдан маҳрум этиш жазоси тахдид солмоқда.

Аъзо давлатлар ҳар қандай шаклдаги ахборотни эркин тарқатишни таъминлайдилар, ахборот сохасида ҳамкорликни кенгайтирадилар ва журналистлар иш шароитини яхшилаш бўйича зарур чора-тадбирларни мунтазам олиб борадилар.
Вена учрашуви Якунловчи ҳужжатидан (1986).

Марказий Осиёда ҳамон сўз ва ОАВ эркинлигига қарши кучли босим ўтказилаётгани хавотирлидир. Таассуфки, Туркманистонда бу борада бир қадам ҳам олға силжиш бўлмаётир. "Давлат хоинлари" тўғрисидаги фармони олий президент сиёсати билан муроса қилмаганлик учун жиноий жавобгарликни кўзда тутади. Мамлакатда ОАВ эркинлиги умуман мавжуд эмас, барча оммавий ахборот воситалари давлатнинг қаттиқ ва қатъий назоратида. Интернетдан фойдаланишда тўсиқлар мавжуд, мамлакатнинг айрим ҳудудларида "Озодлик" радиоси дастурларини тинглашга тўсқинлик қилиш учун тўлқин бостирилмоқда. Гарчи цензура расман бекор қилинган бўлса-да, кўшни давлатда ҳам ОАВ эркинлигини чеклаш ва назорат қилиш ҳолатлари учраб турибди...

Ҳатто мухолифат фаолият кўрсатиши учун маълум даражада рухсат этилган давлатларда ҳам электрон оммавий ахборот воситалари давлат қўлида сақланиб қолмоқда. Матбуот қатъий чеклов ва доимий кўрқув муҳитида ишлашга мажбур бўлмоқда. Қозоғистонлик журналист Сергей Дуванов, халқаро мутахассислар баҳосига кўра, сиёсий айблов билан ҳали-ҳануз қамоқда ўтирибди.

Қирғизистонда мустақил ва мухолиф ОАВнинг давлат мансабдорлари томонидан туҳматда айбланиши ва шу бўйича узоқ муддат давом этаётган суд жараёнлари журналистларнинг нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилмоқда, ҳатто ОАВни ёпиб қўйиш хавфини юзага келтирмоқда. Қирғизистон ҳукуматини давлат мансабдорлари суддан коррупция бўйича текширувларни бостириш мақсадида фойдаланмасликлари учун туҳматни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳуқуқбузарликлар тоифасидан чиқаришга чорлаймиз.

Кавказортида ОАВ эркинлиги масаласида катта ютуқларга эришилаётган бўлса-да, барибир бу борадаги хавотирли кайфият сақланиб қолмоқда. Хабарларга қараганда, Грузияда ноябрда бўладиган парламент сайлови олдидан "Рустави-2" мустақил телекомпаниясига яна расмий босим ўтказилмоқда. "Рустави-2" телекомпанияси очиқ жамият қуриш йўлида грузин демократияси эришган катта муваффақият ва унга қарши ҳар қандай таҳдид Грузиядаги, қолаверса, ЕХҲТнинг бошқа мамлакатларидаги сўз эркинлиги ҳимоячиларини сергакликка чорлайди.

ЕХҲТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили Арманистон ва Озарбайжондаги аҳволдан хавотирда эканини билдирди. Дарҳақиқат, Арманистонда яқинда "А1+" ва "Ноян Тапан" телекомпаниялари эфирга чиқиш имкониятидан маҳрум этилди ва кўпчилик бунга сиёсий айблов асос бўлганини таъкидлади. Озарбайжон ҳақида сўз борганда эса, Европа Кенгаши Бош котиби ва ЕХҲТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили томонидан 2003 йил 10 сентябрда эълон қилинган мурожаатдан қуйидаги парчани келтириб ўтиш ўринли: "Биз Озарбайжонда ОАВ таъқиб қилинаётгани ва журналистлар ҳаётига таҳдид қилинаётгани тўғрисида мунтазам келаётган маълумотлардан қаттиқ ташвишдамиз". Шунингдек, мурожаатда 100 минг АҚШ доллари миқдорида жаримага тортилган ва банк ҳисоб рақами ёпиб қўйилган "Йени Мусават" газетаси дуч келаётган тўсиқлар алоҳида айтиб ўтилган...

Собиржон ЁҚУБОВ
тайёрлади

Мушоҳада

ФАМИЛИЯНГИЗ ТЎҒРИ ЁЗИЛГАНМИ?

Урушлар, сиёсий тизимлар, санъат асарлари, иморатлар — қисқаси, бир пайтлар миллат учун тимсол ҳисобланган ҳар қандай воқеа, нарса, ҳодиса – миллатнинг тарихи. Фамилия эса – оиланинг тарихи. Оиланинг бундан ўзга ўтмиши ҳам бор, бироқ агар фамилия бўлмаса, улар аҳамият касб этмай қўяди, мавҳумлашиб кетади.

Миллатнинг энг асосий қадриятларидан бири — фуқароларнинг фамилияси.

Исм-шариф бир қарашда ўнчалар жиддий бўлмаган ҳодиса. Энг асосийси, инсонни инсондан адаштириб қўйилмаса, чақирганда қарата олса бўлди-да, — шундай фикрга бориш мумкин бу ҳақда.

Аслида эса, бу мутлақо бошқа нарса.

Инсоният нима учун оқсуякларга, ўтмиши бор кишилар, миллатларга ишонади?

Бунинг сабаби оддий: улар узоқ йиллик тарихлари олдида ўзларини масъул ҳисоблайдилар ва ҳар хил бўлмағур ҳаракатлар билан ушбу ўтмишни, тарихни бўлғаб қўйишдан чўчишади. Бу эса уларни шубҳали ҳаракатлар, ноўрин қилиқлардан тийиб туради. Айнан мана шунинг учун ҳам одамлар ўтмиши борларни ҳурмат қилади.

Фамилия масаласида ҳам худди шундай гапларни айтиш мумкин. У кишини жамият олдида маълум жавобгарликни ҳис қилишга ундайди. Агар исм фақат ўзингизгагина тегишли бўлса, фамилия ҳақида бундай деб бўлмайди. У бутун оилага тааллуқли. Агар у ўша оиланинг бутун ўтмишига алоқадор бўлганда эди, масъулият касб этмай қўяди, мавҳумлашиб кетади.

Миллатнинг энг асосий қадриятларидан бири — фуқароларнинг фамилияси.

Исм-шариф бир қарашда ўнчалар жиддий бўлмаган ҳодиса. Энг асосийси, инсонни инсондан адаштириб қўйилмаса, чақирганда қарата олса бўлди-да, — шундай фикрга бориш мумкин бу ҳақда.

Аслида эса, бу мутлақо бошқа нарса.

Инсоният нима учун оқсуякларга, ўтмиши бор кишилар, миллатларга ишонади?

Бунинг сабаби оддий: улар узоқ йиллик тарихлари олдида ўзларини масъул ҳисоблайдилар ва ҳар хил бўлмағур ҳаракатлар билан ушбу ўтмишни, тарихни бўлғаб қўйишдан чўчишади. Бу эса уларни шубҳали ҳаракатлар, ноўрин қилиқлардан тийиб туради. Айнан мана шунинг учун ҳам одамлар ўтмиши борларни ҳурмат қилади.

Фамилия масаласида ҳам худди шундай гапларни айтиш мумкин. У кишини жамият олдида маълум жавобгарликни ҳис қилишга ундайди. Агар исм фақат ўзингизгагина тегишли бўлса, фамилия ҳақида бундай деб бўлмайди. У бутун оилага тааллуқли. Агар у ўша оиланинг бутун ўтмишига алоқадор бўлганда эди, масъулият касб этмай қўяди, мавҳумлашиб кетади.

Миллатнинг энг асосий қадриятларидан бири — фуқароларнинг фамилияси, исм-шариф борасида аниқ қонунлари, ўз қадриятлари бўлмаса, унинг тарихи ҳам, келажаги ҳам бўлмайди. У яна бошқа бир миллат пайдо бўлишида хамиртуруш вазифасини ўташи мумкин, холос. Чунки бутун бир халқнинг тарихи якка шахслар, алоҳида оилаларнинг тарихидан келиб чиқади. Айнан шунинг учун бўлса керак, айрим ривожланган давлатлар рамзий бўлса-да, ўз монархларидан воз кечмайди. Бу халққа шу монарх тимсолида ўзининг қадимий миллат эканлигини кўрсатиб, руҳлантириб туради.

Исм ҳақида. Исм ҳам миллатнинг ўзлигини, тарихини ифодалайди. У бир киши билан яшаб, шу билан йўқ бўлиб кетади, миллатнниг ўзлигига ҳеч қандай алоқаси йўқ, деганлар қаттиқ адашади. Ўз қадриятлари, ўтмиши бўлган, ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай миллат аҳлининг ўз исмлари бор. Яъни ўзини, ўтмишини, боболарини ҳурмат қилган ҳар қандай киши ўз фарзандларига, ўзига ўнг келган исмни танлаб кетавермайди. Дейлик, америкалик қораларнинг исм-шарифлари кўпинча инглизча жаранглайди. Бу уларнинг маданиятли эканлигидан эмас, балки миллатнинг мақтанса арзигулик, кўз-кўз қилгулик ўз тарихи, ўтмиши йўқлигидан дарак беради. Россиянинг шимолида кўплаб майда миллатлар мавжудки, уларнинг аксарият қисм аҳолиси русча исм-шарифлар билан ҳаёт кечиради. Юз тузилишини кўрсангиз, гапларини эшитсангиз, русларга умуман яқин ҳам келмайди, исм-шарифи эса Петров Иван Сергеевич. Биринчи қарашда кулгингиз қистайди. Аммо жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсангиз, бу майда миллатлар томонидан содир этилган бирор бир эътиборга лойиқ иш, ҳаракатни кўрмайсиз. Уларнинг арзирли ўтмиши бўлмаганлиги сабабли ҳам ўз исмларидан осонлик билан воз кечиб юборган, ёки акси ўз исмларидан мана шундай осон кечиб юбораверишганликлари сабабли ҳам арзирли тарихга эга бўлмаганлар. Албатта, бу уларни камситиш эмас. Бироқ тарих шунақа бўлса, нима дейиш мумкин?

Ўзлигини топмаган миллатнинг нафақат динида тайин бўлмайди, балки унинг фуқаролари исмида ҳам аниқ бир қўним, қатъийлик йўқ.

Шу жиҳатдан ўз фарзандларига аллақандай тўқима, ясама исмлар, ўзга миллатнинг тушунарсиз номларини қўяётган кишиларни тушуниш қийин. Улар ўзларининг бу ишлари билан нафақат ўз фарзандларининг келажагига соя ташлашмоқда, балки миллатнинг ўзлигига тажовуз қилишмоқда, унинг номини ерга уришмоқда.

Албатта, ном танлаш инсон учун эркин ҳолат, ҳар ким ўз фарзандига хоҳлаган исмни танлаши мумкин. Бундан бировни чеклаш, тақиқлаш мумкин эмас. Аммо, шундай қилиш лозим, чамаси. Инсон ҳис-ҳаяжонга берилувчи бўлади. Шундай ҳолатида унга бирор нарсани уқтириш қийин, ҳаяжонланган, таъсирланган пайтида унинг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Бироқ бу ўткинчи нарса. Тез орада у ўшбу ҳолатидан чиқади ва ўзининг ишидан уялиб юради.

Фарзандларга ҳам исм танлашда шу каби ҳолатларни учратиш мумкин. Агар эътибор берган бўлсангиз, миллатимизда 1969-, 1970-, 1971-йилларда туғилган қизалоқларнинг ичида энг кўп учрайдиган исм бу — Насиба. Албатта, бу ажойиб ҳолат — кишилар қизларини дикторимиз Насиба опага ҳавас қилиб, шундай номлашган. Бироқ Октябрь революцияси деганга ўхшаш минглаб исмларни учратиш мумкинки, буларнинг барчаси оталарнинг сиёсий қарашлари, замона етовида юришидан келиб чиққан.

Бир куни замонавий, маданий шаҳарга мослашган, янгича фикрлайдиган бир ўртоғим жуда хафа бўлиб келди. Қизини нима учундир "ўқитгани" руҳониға олиб борган экан, исмини "Севги" деб қўйишгани учун дуо ўқишдан бош тортибди. "Одамнинг исми бунақа бўлиши мумкин эмас", — дебди у. Динда бу масалада жуда қаттиқ турилади. Шунинг учун ҳам миллатлар йўқ бўлиб, ўзгариб, қоришиб кетади-ю, дин ўзгармай қолаверади.

Аслида фарзандга исм бериш қадриятларнинг энг асосийси ва ўта масъулиятлиси. Бу борада бизда маълум ахлоқий қоидалар мавжуд. Ахир, отанинг олдидаги бурчи дейилганда, дастлаб унинг фарзандига чиройли исм танлаши зарурлиги айтилади. Лекин исм фақат чиройли эмас, балки ота-боболарнинг шимолида кўплаб майда миллатлар мавжудки, уларнинг аксарият қисм аҳолиси русча исм-шарифлар билан ҳаёт катталардан маслаҳат сўралади. Бироқ кейинги пайтларда бу қоида ҳам рад этила бошлаган.

Исм-шариф миллатнинг ўзлигини сақловчи, унга ўзининг кимлигини уқтириб турувчи асосий қадриятлардан, воситалардан бири ҳисобланади.

Мутлақо янги исмлар ўз қадриятлари ва, демакки, ўз ўтмиши йўқ миллатлардагина қўйилади. Агар миллат ўзга халқларнинг исмини танлай бошлаган экан, демакки, у яқин ўртада ўзлигини йўқотади. Агар ўзимизнинг яқин ўтмишимизга қарайдиган бўлсангиз, ўз қадриятларига эга бўлмаган, тез мослашувчан оилаларда фарзандларга янгича, ясама ёки ўзга миллатларнинг исмларини қўйиш одат тусига кира бошлаганлигини кўрамиз. Айнан мана шундай оилаларда миллий анъаналар ҳам йўқола бошланганди. Бугунги кунда кишиларимиз орасида минглаб миллий хусусиятларимизни ифодаламайдиган исмларни учратиш мумкин. Буларнинг барчаси ўзга қадриятларга қанчалар берилувчан эканлигимизни кўрсатиб, эслатиб, бизни уялтириб туради.

"Кул Тигин" битигидаги аламли ҳайқирикни айтинг: "Турк беклари турқча отини ташлади, Табғач бекларининг табғачча отини қабул қилиб, Табғач хоқонига қарам бўлди". Бир ҳолатни, қанчалар аянчли бўлишига қарамай, тан олишимиз лозим: бизда фарзандларга исм танлашда, бу ҳақда қанчалар уқтирилган бўлишига қарамай, ўзимизнинг вақтинчалик ҳис-туйғуларимиз устунлик қилади. Ушбу ҳолат охир-оқибатда қадриятларимизга эътиборсизлигимизни келтириб чиқаришини, миллатнинг ўзлигига тажовуз қилишини тушуниб етмаймиз.

Миллат ўз қадриятларига ўзга элатлар қарашлари билан қараганда, ўзини уларнинг нуқтаи назари билан баҳолай бошлаганда таназзулга юз тутади. Чунки энди у ўзининг туриш-турмуши, яшаш шароитидан ор қила бошлайди. Ахир, яқин ўтмишимизда фуқароларимиз ўзларининг миллий исмларини кичрайтирилган шаклда, ўзга миллатлардагидай қилиб атай бошламаганмиди? Бунинг негизида, аввалambор, киши ўзининг ҳақиқий исмидан ор қилиши ётади.

Шу ўринда бир савол туғилади: бу миллий анъана, яъни болага бобосининг исмидан олиб, фамилия ясаш бизда қачон пайдо бўлган? У миллат пайдо бўлганидан буён мавжуд, дейиш ўринсиз. Бу ўзбекларнинг фамилияси ва исм-шарифи руслашган тарзда ёзила бошлаган пайтда юзага келган. Яъни муқаддам "-ов", "-ев" деб тугайдиган фамилиялар бўлмаганлиги сабабли, аввалига отанинг кейинроқ эса бобонинг исмини олиб унга ушбу қўшимчалар қўшилиб фамилия ясалган. Миллатнинг янги фамилия бўйича тарихи ҳам шундан бошланган. Ҳозирда эса бу миллий анъана сифатида талқин этилади. Аниқки, ушбу ҳолат бора-бора барҳам топади ва фамилия ҳозирдагига ўхшаб авлоддан-авлодга ўзгариб кетавермайди. Ҳозирча эса, фамилияни бобонинг исмидан олиш кўпроқ кўлланилар, деярли асосий қоида бўлиб хизмат қилар экан, бизда оилалар тарихи ҳали бошланган йўқ, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бу тарих ҳар бир авлодда тўхтаб, янгитдан бошланади. Бу борада, агар исм-шарифларга қўшиладиган айрим қўшимчаларни ҳисобга олмайдиган бўлсак, аниқ бир қадриятлар яратилмаган.

Биз бобонинг номини улуғлаш мақсадида оила ўтмишидан воз кечаётган кишилармиз. Аслини олганда миллатнинг яхлитлигини таъминловчи, руҳлантирувчи нарсалар жуда ҳам улуғвор, баландпарвоз бўлмайди. Улар бир қарашда оддий, кичик туюлган нарсалардан иборат. Фамилиянинг эскилиги, қадимийлиги ҳам шундай ҳолатлардан бири. У кишига ўз оиласи тарихини ҳис қилиб туришга ундайди, эски қадриятларига содиқлик руҳини бағишлайди. Қадриятлар, шу жумладан, эски фамилиялар, кишининг маънавий ҳаётида улкан таянч бўлиб хизмат қилади. Шу ҳолатлар кишига тарихнинг бир бўлаги эканлигини уқтириб, уни ўтмишга содиқ ва келажакка муносиб бўлишга ундаб туради. Ўзининг тарихини ҳис қилмаган инсон эса хазондай бир гап, енгил шабада қай томонга эсса, ўша ёққа қараб учиб кетаверади. На бир оғирлиги бўлади ва на бир таянчи.

Президентимиз "Тарихи йўқ халқнинг келажаги йўқ" деганларида ушбу ҳолатларни кенг миллат миқёсида назарда тутган бўлсалар керак. Энди бу ҳолатни оила даражасида ҳам татбиқ этиш мумкин. Миллат ҳар бир шахс қиёфасида ҳам ўз тарихини билиши лозим.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтмоқчи эдимки, оилада тарихсизликка барҳам бериш лозим. Барибир эртами, кечми шунга қайтишга тўғри келади. Бир кун келиб барибир оилаларнинг ўз тарихи бўлиши анъанага киради.

Бугунги кунда биздаги мавжуд ҳолатни маъқулловчилар бир эътирозни келтиришлари мумкин — миллат ўсиш, кўпайиш даврини бошдан кечираётган бир шароитда фамилия танлашга нисбатан эркинроқ муносабатда бўлинмаган тақдирда миллатда бир хил фамилиядаги жуда кўплаб кишилар пайдо бўлиб қолади. Менимча эса, бунинг ҳеч ёмон томони йўқ, ва аксинча, айнан шунинг учун ҳам фамилия танлашга нисбатан қаттиқ талаблар қўйилиши лозим. Бу борада корейслардан ўрнак олинса ҳам бўлади. Уларда фамилиялар жуда камлиги билан бир вақтда, уни ҳеч қачон ўзгартирмайдилар. Исм эса — хоҳлаганча. Уларда миллатнинг ўзлиги фамилияларга нисбатан қаттиқ муносабатда бўлиш орқали таъминланади. Айнан фамилияларга нисбатан қаттиққўллик уларни қанчалаб сарсон-саргардончиликлардан кейин ҳам ўзга давлатларда миллат сифатида сақланиб қолишини таъминлаб турибди.

Инсон ўзи хоҳлаганча яшаб, ўзи хоҳлаган нарсасини қилиб кетавермайди. У жамоавий мавжудот ва шунинг учун ҳам унинг ҳар бир ҳаракати, иши ва қилиғи учун у тегишли бўлган жамоага баҳо берилади. Исм масаласида ҳам шундай. Фарзандимга сериаллардан кўриб, ўзимга ёқиб қолган исмни қўяман, бунинг учун ҳеч кимнинг менга таъна қилишга ҳаққи йўқ деб ўйламанг. Сиз ўзингизнинг бу қилиғингиз билан миллат шаънини ерга урмоқдасиз, унинг қадриятларини топтамоқдасиз. Биз куни кеча пайдо бўлиб қолган, ўтмишсиз, келажаксиз, ўзининг кимлигини ҳам билмайдиган миллат эмасмиз. Шунинг учун ҳам фарзандларимизнинг исмлари ҳам шунга мос бўлиши, ҳали ўз юзини излаётган элатлардаги каби биз фарзандларимизга ўнг келган исмларни қўйиб кетаверишга ҳаққимиз йўқ.

Миллат шаъни, келажаги ва ўзлиги учун барчамиз жавобгармиз. Фарзандимизга қўяётган ҳар бир бегона исм билан биз халқнинг номини ерга урамиз, шаънини топтаймиз. Миллатнинг шаъни эса бизни ларзага солган лаҳзалик туйғудан, ҳаяжондан устунроқ туради. Шуни унутмасак бўлди.

Исмоил ШОМУРОДОВ

Ташаббус

Муаллимга раҳмат...ми ёки ҳокимга?



Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида қорақалпоғистонлик адиб Тўлапберген Қайипбергеновнинг илк қиссаларидан бири — "Муаллимга раҳмат" чоп этилди. Асар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ҳатто устоз адиб Абдулла Қаҳҳор асарга яхши баҳо бериб, муаллифни шахсан табриклади ҳам. Кейинчалик бу асар ёзувчига чўнг шон-шуҳрат ҳам келтирди.

Қиссада ҳикоя қилинишича, муаллим бир синф ўқувчиларига сабоқ беради, алифбони ўргатади, саводини чиқаради, ўқув йили тугагач, у барча синф ўқувчиларига уқтиради:

— Мана ўқишни ҳам ўрганиб олдиларинг, саводларинг чиқди. Шундай имкониятни яратиб берган Ленинга раҳмат. Қани сизлар ҳам такрорланглар-чи!

Шунда бутун синф жим-жит қолади. Муаллим ҳайрон ва яна сўрайди:

— "Ленинга раҳмат" десанглар-чи!

Ўқувчилардан бир зум садо чиқмайди ва икки-уч дақиқа ўтгач хор бўлиб бақиришади:

— Муаллимга раҳмат!

Ҳа, синф Ленинни танимасди, билмасди, у болаларга дарс ҳам бермаганди. Зеро, ўқувчиларда айб йўқ эди. Болалар фақат муаллимнигина танирди ва ёлғиз унигина тан олардиди...

Ҳеч кузатганмисиз, бола онасининг айтганига қулоқ солмай кетиши мумкин, аммо муаллимларнинг деганига, албатта, бўйсунади, итоат қилади. Муаллим топшириғи – унинг учун қонун. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Зотан, устоз ҳақида халқимизда ҳикояту ривоятлар, ҳадису ҳикматлар бисёр. Эҳтимол мен Элликқалъага бормаганимда, бу гапларни эсламаган бўлар эдим.

Шаҳар марказида, "Ёшлар майдони"да "Устозга эҳтиром" хиёбони барпо этилибди. Хиёбоннинг номини эшитибоқ, ҳайрон қолдим: "Устозга эҳтиром!" Туман ҳокими муовини Шоназар Кенжаев ҳайронлигимни сезгач, изоҳ бера бошлади:

— Бу — ҳокимимиздан чиққан ташаббус. Айниқса, 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни бу хиёбон жуда гавжум бўлади.

Дарҳақиқат, Элликқалъа бугун нафақат ислоҳотлар ўчоғига, балки маънавий-маърифий янгиланишлар маконига ҳам айланган. Жумладан, бу ерда халқ таълими ҳам жадал ривожланмоқда. Шу йилнинг ўзида 7 жойда ҳашар йўли билан мактаб барпо этилди. Истеъдодли ўқувчилар мамлакат миқёсида ўз билимларини намоён қилмоқдалар. 2002 йили туман ўқувчиларидан Ҳуршида Ибодуллаева, Руслан Ургенчбоев, Мунира Хайруллаева Ўзбекистон миқёсидаги фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, олий ўқув юртига тест синовларисиз қабул қилиндилар. Қиёс учун уэр сўраймиз-у, ўша йили биргина Хоразм вилоятидан шунча ўқувчи ана шундай бахтга мушарраф бўлган эди. Бу йил эса Элликқалъадан яна икки ўқувчи – Хосият Ражабова ва Муяссар Жуманиёзова ана шу ютуқни такрорлади.

Мазкур йилда Элликқалъа туман ҳокимлиги 182 ўқувчини олий ўқув юртларига тайёрлашни ўз зиммасига олди. 40 ўқувчининг Тошкент шаҳрида тайёргарлик кўришига маблағ ажратилди. Натижада жами 250 нафар элликқалъалик абитуриент талаба бўлди.

Ҳар бир мактабга ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда. "Устозга эҳтиром" ёдгорлиги пойида турфа хил учрашувлар ўтказилаётир. Бўстон шаҳридан биринчи синфга борган болаларга Президент совғалари ҳам шу ерда топширилди. Демак, бу маскан қутлуғ қадамжо бўлиб қолишга арзийди.

Хиёбон марказида катта ҳайкал бор. Унда юзларидан нур ёғилиб турган муаллима ва сумка кўтарган бола акс эттирилган, аниқроғи – устоз ва шогирд бағирма-бағир турибди. Байрам куни муаллимини ҳурмат қилган шогирд ва шогирдини эъзозлаган устоз бу ҳайкал пойига гуллар қўйишади ва қутлуғ кун баҳона шу хиёбонда дийдорлашадилар.

Энди айтинг-чи, ёзувчи Тўлапберген Қаипбергенов қиссасидаги ўқувчилар бу хиёбон ҳақида эшитганларида кимга раҳмат айтишган бўлишарди: муаллимгами ёки ҳокимгами?

Э. БОЛИЕВ

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муборакбод

КЕЛДИ ҚУТЛУҒ РАМАЗОН!..

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм
Аллоҳ таолога беҳисоб ҳамду санолар, Ҳазрати Расулуллоҳга беҳад салоту саломлар бўлсин!

Мана, ҳижрий-қамарий Шаъбон ойи охирлаб, муборак Рамазон ойи яқинлашмоқда. Милодий 2003 йил 26 октябрь, якшанба кунидан ҳижрий 1424 йилнинг шарафли Рамазон ойи бошланади. Шанба куни кечқурун таровиҳ ўқилиб, юртимиз Қуръон нурларига тўлади.

Истиқлол неъмати сабаб, она диёримиз Ўзбекистон масжидларида бир неча йилдан бери таровиҳларда хатми Қуръонлар қилиниб, ватанимиз Қуръон нурига, ибодат ва зикр нурларига тўлмоқда. Бу йилги Рамазон ҳам бутун дунё учун, хоссатан, азиз Ватанимиз Ўзбекистон учун файзли, баракали, нурли, фараҳли ой бўлишини, халқимизга сурур-севинч, бахт-саодат келтиришини яратган Парвардигоримиздан тилаймиз.

Ҳазрати Пайғамбаримизнинг суюкли саҳобаларидан бўлмиш ҳазрати Салмони Форсий, розияллоҳу анҳу, ушбу ҳадиси шарифни ривоят қиладилар: "Шаъбон ойининг охирги кунида Ҳазрати Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бизга бундай хитоб қилдилар: "Эй инсонлар! Бошингизга улуғ-муаззам, муборак бир ойнинг кўлкаси тушиб турибди. Шундай бир ойки, унда минг ойдан яхшироқ бўлган бир кеча бордир..." Бу кеча Рамазон ойининг зийнати ва бутун умматнинг неъмати бўлмиш ҚАДР кечасидир.

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) Рамазон фазилати баёнида давом этиб, айтадилар: "Бу ойнинг боши – Раҳмат, ўртаси – Мағфират, охири эса дўзахдан қутилишдир". Бу уч босқични уламолар уч ўн кунликдан иборат дейдилар.

Яна Абу Зарр Ғифорийдан, розияллоҳу анҳу, ушбу ҳадиси шариф ривоят қилинади, у зот Ҳазрати Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) бундай деганларини эшитганлар: "Агар бандалар Рамазон ойида қансалик ажр-савоб, неъмат ва мукофотлар борлигини билганларида эди, бутун йил бўйи Рамазон бўлишини орзу қилган бўлардилар".

Бежиз эмаски, Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.): "Рамазон умматимнинг ойи!" деб таърифлаганлар ва бу ой "Ўн бир ойнинг султони!" деб шарафланади.

Рамазон – муқаддас, муборак Қуръони карим нозил бўлган ой. Шу шарафнинг ўзи унинг таърифи учун кифоя. Аммо яна сабр ойи, тақво ойи, покланиш ва тавба ойи деб ҳам тавсифланади. Бу ой инсоннинг жасади покланиб, руҳи қувватланиб, қалби нурланиб, Аллоҳга тобора яқинлашмоғи учун ҳадсиз имконият майдонидир.

Улуғ ватандошларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий, шайх Сўфи Алдай шарҳланади: "Бу рўзада баданни поклаш, шайтоннинг йўлларини торайтириш ҳикмати бор. Шу жиҳатдан "Саҳиҳайн"да (яъни Имом Бухорий ва Имом Муслим "Саҳиҳ"ларида): "Эй ёшлар жамоаси! Сизлардан кимики шаҳватга қодир бўлса, у уйлансин. Кимики уйланишга қодир бўлмаса, бас, у рўза тутсин", деган ҳадиси шариф собит бўлди".

Сўфи Аллоҳёр ҳазратларининг "Махзан-ул мутиъийн" асарида эса "Рўза"нинг луғавий ва шаръий маънолари бундай шарҳланади: "Савм"("рўза") дегани луғатда муайян вақтда бирон нарсадан сақланмоқ деганидир. Зеро, Аллоҳ таоло (Қуръони каримда Биби Марямга хитоб қилиб) айтади: "Инний назарту лир-Роҳмани совман" ("Мен Раҳмон (Меҳрибон бўлмиш Аллоҳ) йўлида рўза тутмоқни назр қилганман...", деб айтинг"... Шариатда эса тонгдан шомгача ният қилган ҳолда емоқ, ичмоқ ва жинсий муомалани тарк этмоқдир".

Бас, рўзада инсон кун бўйи Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсалардан ҳам сақланади. Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалардан эса тамоман ҳазар қилмоқ зарур. Рамазон ойига ва рўзадор мўминларга беҳурматлик қилган кимса барака топмайди, у қаттиқ гуноҳкор бўлади.

Ҳазрати шайх, марҳум доктор, профессор Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратлари "Рамазон – тақво таълими" китобларида "Шоядки, тақволи бўлсангизлар" деган маънодаги ояти каримага таяниб, рўзадан мурод тақво эканини уқтирадилар. Тақво Аллоҳдан қўрқиб, гуноҳлардан тийилмоқдир. Қуръони каримда Аллоҳдан қўрқув ҳақида бир қанча ояти карималар бор. Ҳадиси шарифда ҳам "Ҳикматнинг боши Аллоҳдан қўрқувдир", деб марҳамат қилинади. Аллоҳ таоло муқаддас каломида муттақийларни – Аллоҳдан ҳақ қўрқиш билан қўрқиб, Унинг амрларига мувофиқ яшайдиган бандаларини севишини билдиради.

Рамазонда Аллоҳнинг улуғ икром-эҳсонлари бор. Улуғ ватандошларимиз Имом Бухорий ва Имом Термизий "Саҳиҳ"ларида ушбу маънодаги ҳадиси шариф баён қилинади: "Кимки имон ва иҳтисоб билан – Аллоҳга чин ишонч билан ишониб, савобу мукофотини фақат Аллоҳдангина умид қилган ҳолда Рамазон рўзасини тутса ва унинг кечаларини тоат-ибодатлар билан ўтказса, унинг олдинги гуноҳлари кечирилади. Кимки Қадр кечасини тоат-ибодатлар билан бедор ўтказса, унинг олдинги гуноҳлари мағфират қилинади".

Рамазон ойининг биринчи кечаси кириши билан дўзах эшиклари ёпилади, улардан бирортаси ҳам очилмайди, жаннат эшиклари очилади ва улардан бирортаси ҳам ёпилмайди!

Ҳазрати Фақиҳ Абул Лайс Самарқандий "Танбеҳ-ул ғофилийн" китобларида айтадилар: "Ҳазрати Ибн Аббос, розияллоҳу таоло анҳумо Ҳазрати Расулуллоҳдан, саллоллоҳу алайҳи васаллам, бундай деганларини эшитдилар: "Албатта, Рамазон ойининг кирмоғи учун бу йилдан у йилгача жаннат хушбўй қилинади ва зийнатланади. Аллоҳ айтади: "Эй Малик (дўзахбон)! Уммати Муҳаммаднинг рўзадорлари учун дўзах эшикларини беркит! Ва Аллоҳ яна айтади: "Эй Жаброил (фаришта)! Ерга туш, шайтонларнинг фирибларини боғла ва уларни кишанла, кейин уларни денгиз қаърига ташла! Токи улар Менинг дўстим Муҳаммад умматларининг рўзасини бузиб қўймасин!". Ва яна Аллоҳ таоло Рамазоннинг шарофатидан ҳар кеча уч марта айтади: "Бирор тилагувчи бормики, унинг тилагини берсам ва бирор тавба қилувчи бормики, унинг тавбасини қабул қилсам ва бирор истиғфор айтувчи бормики, уни мағфират қилсам!". Ва, албатта, Аллоҳ таоло Рамазон ойининг ҳар кунида то оғиз очар вақтигача дўзахдан озод қиладиган минг-минглаб инсонлар бордир. Яна Рамазон ойининг жумъа куни ва жумъа кечаларида Аллоҳ таоло минг-минглаб дўзахга тушадиганларни дўзахдан озод қилгайдир!". Бас, қачонки, Рамазоннинг охирги куни бўлса, унинг аввалидан охиригача дўзахдан озод қилинганларнинг саноғича инсонларни яна дўзахдан озод қилгайдир!".

Яна "Танбеҳул ғофилийн"да айтилади: "Ҳазрати Пайғамбарнинг саллоллоҳу алайҳи васаллам умматларига илгариги умматларга ато қилинмаган беш хислат ато қилинди:

1. Рўзадорнинг оғзи мушкнинг ҳидидан ҳам кўра хушбўйроқ қилинди.

2. Осмондаги фаришталарнинг ҳаммаси то оғиз очар вақтигача рўзадор ҳақига истиғфор айтиб, талаби мағфират қилади.

3. Шайтоннинг фирибини боғланади ва Рамазон рўзаси тамом бўлгунича бўшатилмайди.

4. Ҳар куни жаннатга зийнат берилади, Аллоҳу таоло жаннатга зийнат берувчиларга: "Менинг солиҳ бандаларим озор чекиб, қийналиб қолмасин!" дейди.

5. Рамазоннинг охирги кечаси умматнинг бутун гуноҳларини Аллоҳ таоло мағфират қилади!".

Рамазон ойида савоб ишларни янада кўпайтириш, тоат-ибодатларда ғайрат қилиш, қавму қариндош, ёру дўстларнинг кўнглини шод этиш, закот бериб, муҳтожлар, етимесир, бева-бечоралар ҳақини адо этиш каби хайрли амалларнинг мукофоти беҳад-беҳисобдир.

Аллоҳ таолонинг бу улуғ икромларига жавобан Рамазон ойини бандалик имконида муносиб ўтказишни ҳаммамизга насиб айласин!

Юртимиз тинч, халқимиз мўддий ва маънавий фаровон бўлиб, азиз диёримиз Ўзбекистон файзи илоҳийга тўлсин!

Рамазони шариф муборак бўлсин!

Мирзо КЕНЖАБЕК

БИР СТАНЦИЯНИНГ ТЎРТ ТАРЖИМАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Шундай ҳам бўладики, битта атаманинг ҳам халқаро, ҳам "шарқона" вариантлари мавжуд. Бу ҳолда, агар шарқона шакл азалдан сингишган ва тилимизнинг орфоэпик хоссаларига мосроқ (м: фалсафа), ёки европачага қараганда тўғрироқ (м: кимё) бўлса, мақбул топилгани дуруст. Аммо шарқона шакл нотўғри, ноилмий, ёинки аслидаги номи ҳам ўзбек талаффузи учун қулай (география:жўғрофия) бўлса, унда европача шакл афзалроқ.

Жуда кўп атамалар полисемантик хусусиятга эга. Бу уларни иккинчи тилда қўллашда мушкулотлар келтириб чиқаради. Масалан, позиция — мавқе, позиция – нуқтаи назар, позиция – эгалланган ер. **Уларни бошқа тилга таржима қилиб беришда ниҳоятда ҳушёр бўлиш керак. Чунончи, "фалон ҳарбий бўлинманинг мавқеи" дейиш бўлинма ишғол этган позицияни эмас, шу бўлинманинг, айтайлик, полкдаги обрўсини англатади.**

Аслият тилида икки маъно англатган атамаларни ўзбек тилига битта сўз билан таржима қилиш кутилган натижага олиб келмайди. Масалан, рус тилидаги "талант" деган сўз кишидаги қобилиятни ҳам, шундай қобилиятли кишини ҳам англата беради. Аммо уни биргина "истеъдод" деб бераверишнинг оҳорини кетказади, "истеъдод соҳиби" дейиш маъқулроқ.

Худди шунинг учун ҳам, мен бундан ўн йиллар муқаддам она тилимизга "рўйхат" деб таржима қилинган "реестр"ни, ё бўлмаса "нусха" деб берилаётган "копия"ни, "йўналиш" деб ўзгартирилган "маршрут"... ва ҳоказо ўнлаб мана шундай байналмилал сўзларни аслидагидай сақлаб қолишни таклиф этардим. Негаки, "список", "экземпляр", ё бўлмаса "направление" каби сўзлар борки, улар ҳам айнан бояги сўзлар билан берилаяпти. Бунда илмий аниқлик бой берилади, тилнинг ифодавий имкониятлари кўпайиш ўрнига озаяди.

Энди аввалари худонинг берган куни ўн марталаб эшитадиганимиз "план" деган сўзни олинг. Ҳозир у "режа", "шартнома режаси", "шартномавий мажбурият" каби бир неча ажабтовур шаклда қўлланаяпти. Аммо улардан ҳеч қайсиси, ҳар қанча тумтароқ бўлмасин, ўша қисқагина, қулайгина бўлган "план"нинг маъносини бера олмайди, ҳеч ким (агар радиога интервью бераётган бўлмаса) тилини "маданийчасига" бураб, "шартномавий режани адо этдик" демайди.

Аҳолининг ўн беш-йигирма фоизини ташкил этадиган русийзабонларга ўзбек тилида сўзлашишни ўргатиб қўйиш биланоқ лисонимиз давлат тили бўлиб қолмаганига ва бу хато иш бўлганлигига бугун шоҳидмиз. Давлатнинг миллионлаб ақчаси ҳисобига бир-иккита "узбекча" сўз ўрганган биродарларимиз бугун Россияда, Исроилу Канадага кетиб, уёқдаги ўзбек тилини билмайдиганларга "бу тилда нонни нанна дейдилар" деб ўргатиб юришган бўлса ҳам ажаб эмас.

Худди шу каби бир хатони эса бугун ҳам зўр суръат билан ривожлантираяпмиз.— қандай қилиб бўлса-да, атамаларга ўзбекча қўйлак кийдиришга ҳаммамиз ишқивозмиз. Борингки, бир неча юз сўз ва атамани шу зайлда эплаб-сеплаб "ўзбекча" қилиб олармиз ҳам. Аммо бу, бизлар анойи бўлиб кутгандай, давлат тили сифатида ўзбек тили мақеини оширишга эмас, ўзбек терминологиясини барбод қилишга олиб келиши ҳақиқатга яқинроқ.

Ўзбек тили давлат тили бўлишининг эса иккита "кичкина" шарти бор: биринчидан, барча идора ва ташкилотларда давлат тилида иш юритишга ўтишни йўлга қўйиш керак ва иккинчидан, давлат тилида иш юритиш сифатини тобора яхшилаш лозим. Бусиз қонун... қоғозда қола беради.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ

Эҳтиром

ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Кеча Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида тил байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда олимлар, санъаткорлар, талабалар иштирок этиб, она тилимизга ўз садоқатлари ва ҳурматларини изҳор этишди.

Халқимизнинг буюк фарзанди, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари она тилимиз ҳақида чуқур меҳр билан сўзлаганлар: "тилга эътибор – элга эътибор", "Кўнгил дарёсининг гавҳари тилдир, тил гавҳардан афзал ва мартабаси баланддир". У зотдан кейин яшаб ўтган бошқа мутафаккирлар ҳам бу ҳақда кўп фикрлар билдиришган. Алалхусус, "Тилга, адабиёт ва маданиятга, ўтмиш тарихга бўлган муҳаббат ватан муҳаббатининг бир томонидир. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдур", – деб таъриф берган эди улуғ шоир ва маорифчи Абдулла Авлоний.

Алишер Навоий асос солган адабий тил, адабий услуб XVII асрларгача қўлланиб келинди, аммо бу даврдан бошлаб мумтоз адабий тилнинг баъзи томонларидан узоқлашиш, замонасининг сўзлашув тилига яқин бир тилда ижод қилиш жараёни бошланган эди. XVII асрда яшаб, ижод этган Абулғози Баҳодирхон: "Туркларга туркона айтмоқ керак, то аларнинг барчаси фаҳм қилғайлар бизнинг айтган сўзимизни", деб ёзган эди.

А. Навоий яратган ёзма услуб XIX асргача давом этди. Гулханий, Фурқат, Муқимий ва Огаҳий насрий асарлари бунга мисол бўла олади.

XVII асрдан бошлабоқ ёзувчи ва шоирлар мумтоз эски ўзбек тилининг оммабоп томонларини ўзига сингдирган ва сўзлашув тилига хос бўлган хусусиятларини акс эттирган тилда – янги ўзбек адабий тилида ижод қила бошладилар.

XVIII-XIX аср ёзувчи ва шоирлари – Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Ҳоксор, Ҳувайдо, Нишотий, Мунис, Махмур, Нодира, Увайсий, Огаҳий янги ўзбек тилини бойитдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган руслар истилоси ўзбек тили ривожига анча салбий таъсир кўрсатди. Рус тили давлат тили даражасини эгаллаб олди. Йигирманчи асрнинг бошларида матбуотда, ёзма адабиётда ўзбек тилида ёзилган мақола ва адабий, илмий асарлардаги турлилик миллат учун ягона адабий тил бўлишини талаб этди. Шу боис 20-йиллари ўзбек тили шеваларини чуқур ўрганиш бошланиб кетди ва 30-йилга келиб ҳозирги ўзбек адабий тили шакллана бошланади.

Мустақилликка эришилгандан кейинги даврда она тилимизни ўрганишга эътибор кучайди. Она тили, умуман, тилларни ўрганувчи ва ўргатувчилар учун катта имкониятлар яратилди. Зеро, тил – миллатнинг юзи, элнинг ғурури. Ватанга муҳаббат ҳам аввало, она тилини ўрганишга бўлган интилишдан бошланади.

Маълумки, тараққиёт қонунларига кўра тил ҳам доимо ривожланишда бўлади. Бу айниқса ўн икки йилда янада яққолроқ намоён бўлаётганини кўраётирмиз. Мустақилликнинг буюк неъмати бўлган "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунда "Тил – миллатнинг улкан бойлиги ва бебеҳо мулки" деб қайд этилган. Шўролар даврида она тилимизга зўрамазўракилик билан киргизилган бошқа тил унсурлари бартараф этилмоқда. Ҳукуматимиз олим ва услубиётчилар олдига қўяётган вазифалар бирин-кетин ечилмоқда: тил ҳақидаги давлат стандартлари, дастурлар, ўрта мактаблар, лицей ва олийгоҳлар учун дастур ҳамда дарсликлар яратилмоқда.

Шу ўринда она тилини ўқитиш фани ҳам моҳият жиҳатидан ўзгараётганини таъкидлаш жоиз. Ёш авлоднинг нутқини сайқаллаш, ўзбек тилининг бутун кўрк-таровати билан фарзандларимизнинг дилига сингдириш – биз, тилшунос мураббийларнинг олдида турган муҳим вазифадир. Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда режиссёрлик факультетлари ҳамкорликда тайёрлаган байрамда ана шундай қадриятлар тилга олинди. Айниқса, талабалар иштирокидаги турли саҳна кўринишлари кечага файз киритди. Русийзабон талабалар эса ўзбекча шеърлар, монологлардан ўзига хос гулчамбар тайёрлаб келишди.

Собира ЖЎРАЕВА,
институт катта ўқитувчиси

Мозий

АБАДИЯТ МЕРОСИ

Чор Бакр обидалари истиқлол шарофати ила иккинчи умрини бошлади.

Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунавварадан сўнг Шарқнинг учинчи шаҳри деб эътироф этилган Бухорои шарифни бутун дунё аҳли "Ислом оламининг қуббати, дин илмининг посбон" сифатида улуғлаб келишган. Буюк тарихчи Истаҳрий ўзининг нодир асарлари орқали гувоҳлик беришича, X асрда Бухорода 120 та мудраса бўлиб, ўша даврда уларда 5000 дан ортиқ илми толиблар таҳсил олишган. Бироқ кейинчалик бу муқаддас даргоҳларнинг кули кўкка совурилди. Қуриш, бунёд этиш нечоғли мушкул бўлса-да, бузиш шу қадар осон кўчдики, асти қўяверасан киши. Ушбу муқаддам обидаларнинг ўша ҳолатини кўриб хўрланардинг. Ички руҳият қийноғи вулқон сингари отилиб, виждон азобланарди.

Аллоҳга беадад шукрки, мамлакат мустақилликка эришгач, динимиз, тилимиз, миллий қадриятларимиз изга қайтди. Халқимиз ўзлигини англаб етди. Саййид Мир Кулол, Хожа Ориф Моҳитобон ар-Ревгарий, Хўжа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Рометаний (Хўжаи Азизон), Баҳоуддин Нақшбандий, Муҳаммад Бобойи Самосий, айни пайтда Хўжа Абдухолиқ Ғиждувоний (Хожаи Жаҳон) ҳазратлари каби етти пирларнинг мақбаралари обод этилди. Шунинг баробарида ўтган йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилган "Чор Бакр"ларга тааллуқли улуғ қадамжо Бухоро, Қарши, Хива, Самарқанд ва шаҳри азим Тошкентдан ташриф буюрган кўли гул устахунармандлар қалб қури билан сайқал бериб, ушбу қадамжоларга қайта узоқ яшаши учун иккинчи умр бахш этишгани бу ерга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳларни ҳайратга солмоқда.

80-йиллардаги сурат.

Ҳа-я, "Чор Бакр" тўрт мард дегани бўлиб, ушбу зиёратгоҳ Бухоро шаҳридан 6 чақирим ғарбдаги қадимги Сумитон қишлоғида жойлашган. Ҳозирги "Чор Бакр" ширкат хўжалиги ҳудуди. Тўртта авлиёлар: Абу Бакр Саъд, Абу Бакр Ҳомид, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл, Абу Бакр Тархон номлари билан юритиб келинмоқда.

Мазкур тарихий обида Бухоро амири Абдуллахон томонидан 1557-1558-йиллардан бошлаб 10 йил давомида 70 минг Бухоро тиллоси эвазига қурдирилган. Ушбу улуғ қадамжо Мадраса, Хонақо, Жума масжиди ва Ҳарам Сароийдан таркиб топган. Аслида Абу Бакр Саъд Яманий Бухорога Ямандан Исмоил Сомоний подшоҳлиги даврида таълим олгани келадилар. Абу Бакр Саъд Бухорода узоқ туриб таҳсил олиб, олган илму ҳунарларини ёшлардан дариғ тутмайдилар. Ҳар бир илму толибга доимо ҳурмат-иззатда бўладилар. У киши хислатлари, фазилатлари билан Бухоро подшоҳи Исмоил Сомоний эътиборига тушадилар ва Абу Бакр Саъддан бирор арзирли тилак тилашларини сўрайди. Шунда Абу Бакр Саъд Жўбор далада хўжа араблар истиқомат қиладиган Сумитон қишлоғи ҳудудидан 5-10 таноб ер сўрайдилар. ("Сумитон" сўзининг рамзий маъноси "жундан мато тўқувчилар" деганидир). Одил шоҳ илму ҳикматнинг бу фикрига қаршилик қилмаган ҳолда талабдан зиёда ер ажратади.

Ҳуллас, шу тариқа Чор Бакрлар Бухорода обидаларнинг ривожланишига, шу атроф аҳолисининг онгида мусулмончиликни ҳамда уйсизлар учун бошпана, савдо аҳли савдогарларга кўним (работ) иморатлари тиклаб савоб ишни амалга оширадилар. Бу эзгу ишларни Абу Бакр Саъднинг кейинги 15 авлодлари ҳам давом эттирадилар.

"Чор Бакр" ёдгорлик директори Ражаб Тўхтаев "Ҳуррият"нинг доимий мухлислари. Чор Бакрлар ҳар бирининг ижодий, ҳаётий ишлари ҳақида муштарийларга қизиқарли мақолалар тайёрлаш ниятидалар. Биз уларни кутиб қоламиз.

Шавкат НОСИРОВ

Voice of America

Америка овози

www. voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида

Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.

«Америка овози»

радиосини қисқа тўлқин — УКВ 17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда; 20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19, шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 километрда ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

VOA

МУРОЖААТ УЧУН
VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA
Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368
uzbek@voanews.com

Луқма

Диққат, «собрание»

Корхона маъмурий биносига кираверишдаги катта ойнали эшикда янги раҳбар ташаббуси билан "Диққат, собрание" деган ёзув осилди. Ниҳоят, Бекбўтаев мажлислар залига чамаси 50 нафардан ортиқроқ ходимларни йиғиб, дастлабки йиғилишни ўтказди.

— Ассалому алайкум, ҳурматли ҳамкасблар! Барчангиз "в курсе" – 1989 йилдамиди, ўзбек тили "Давлат тили" бўлиши тўғрисида "Закон" қабул қилинганди. Бугундан эътиборан барча "протокол"лар, "приказ"лар ва "заявка"лар нуқул ўзбек тилида ёзилиши шарт. "Против"лар борми?

Хонада "эътироз йўқ" деган овоз эшитилди.

— Унда "хорошо" ва "тихо" ўртоқлар. Тинчлик сақлансин. "А, так" менинг характерим оғир. "Сразу строгий выговор" эълон қиламан. Корхонамизга биркитилган "детсад" ёзувларига ҳам алоҳида "внимание" қаратиш жоиз, деди "замҳоким". Қачонки, "обком", "райком"дан келадиганлар ишимизга "притенза" қилмасин. Бирор ортиқча гап-сўз чиқмаса, бу барчамизнинг "авторитетимиз". "Правильно", – дея ўтирганларга қаради бошлиқ. Залдагилардан бир овоздан "Да – а- а- а- а" деган жавобини олган раҳбар:

— Сизлар билан ишласа бўларкан, – деди. — "Госпланлар "сто процент" бажарилиши шарт. "Лапа" олишлар бўлмасин. Чигитдан қоладигани ҳам етади... Ўртоқ Саримсоқов, сиз "слишком" сергап экансиз. Биров гапираётганда бошқаларни "отвлекать" қилманг. "Товаровед" оғир-босиқ бўлиши керак. Хўш, ўртоқлар, ҳамжиҳатликда ишлайлик. Кимга моддий "помощь" керак бўлса, тортинмасдан менга киравериглар. Яшириш, қочириш қонимда йўқ. "Сразу пополам" қилиб оламиз. "Как".

Яна залдагилар "хорошо" деб жавоб қайтарди.

— "Секретарка" Ёрова. "Протокол"ни ўзбек тилида ёздингизми?

— Ҳа, ўртоқ бошлиқ. Баъзи бир сиз айтган русча сўзларни ўз ҳолича ёздим. Ўзбекчага "перевод" қила олмадим.

— "Ничего, подобного". "Самый главный" ёзибсиз, бўлгани. Келгуси йиғилишда сизга "поощерения" эълон қиламиз. Хўп, "пока". ҳаммангизга рухсат.

Ҳуллас, Бекбўтаевнинг давлат тилига бағишланган мажлиси тугади.

Ш. НОСИР

Газетанинг навбатдаги сони 5 ноябрь куни чиқади.

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амиркул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

«Hurriyat» kompyuter markazida Elyor UBAYDULLAYEV tomonidan sahifalandi.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00
Буюртма — Г - 964

® — тижорат белгиси.

Т: 2715

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.